O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 18-may • N21 (3611)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

М.Бурҳоновни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Кўп йиллик самарали ижоди, ўзбек миллий мусиқа маданиятининг ривожига қўшган улкан ҳиссаси, халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, бастакор Мутал /Мутаваккил/ Музаинович Бурҳонов «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 май

ЭЛ-ЮРТ АРДОҒИДАГИ ИЖОДКОР

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театрида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли бастакор Мутал Бурҳонов таваллудининг 85 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Театр фойесида бастакорнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини акс эттирган фотокўргазма ташкил этилди.

Тантанали кечада мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Мутал Бурҳоновни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди ва юксак мукофотни бастакорга топширди.

Санъаткор ижодининг ўзига хослиги шундаки, унинг энг сара ва гўзал асарлари Ватанга муҳаббат, эрк ва озодлик каби мангу мавзуларга бағишланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг ана шундай улуғ ғояси билан йўғрилган шеърияти бастакорни ўзига беҳад мафтун этгани ҳам бежиз эмасди. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимиз М.Бурҳоновнинг «Алишер Навоийга қасида», «Алишер Навоий» опералари сингари жозибадор мусиқий асарларидан баҳраманд бўлди. Мустақил юртимизнинг давлат мадҳияси эса бастакор ижодининг мангуликка дахлдор яна бир муҳим қирраларидандир.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Россия Федерациясининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дмитрий Рюриков, мамлакатимиз маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ва бошқалар бастакорни таваллуд айёми билан табриклаб, унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ижодига барака тиладилар.

— Мен учун ҳурриятга эришган халқим учун ижод қилишдан буюкроқ бахт йўқ,— деди атоқли бастакор. — Қувончимнинг яна бир боиси шундаки, элим ардоғидаги санъаткорман. Камтарин меҳнатим халқимиз, Президентимиз томонидан шунчалар катта баҳоланаётганидан кўнглим тоғдек кўтарилмоқда. Бу ғамхўрликларнинг барчаси учун Юртбошимиздан, халқимиздан чин юракдан миннатдорман.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов иштирок этди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎзА)

Кутлаймиз

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИНГ, ДЕЙМИЗ

Мутаваккил Бурҳонов... Бу улуғ ном мамлакатимизда истиқомат қилаётган ёшу қарига бирдек таниш: Мустақил Ўзбекистонимиз Давлат Мадҳиясининг мусиқа муаллифи. Адабиётимизнинг пешқадам намояндаси Абдулла Орипов ва мусиқа санъатида мураббий номини олган Мутаваккил Бурҳонов исми-шарифи ана шу улуғ амал боис янада сарбаланд бўлгани шубҳасиздир.

Ҳурликка йўғрилган бу куй, аждодларимиз орзу-армонлари ила муштарак мусиқа ўз ижодкори номини абадиятга муҳрлаб қўйиши аниқ. Мадҳиямиз Ер шарининг олис нуқталарида янграр экан, қалбимиз ғурурга тўлар экан, унинг ижодкорлари шаънига олқиш ёғиши ҳам муқаррардир. Тоҳ фахр-ифтихор, тоҳ севинч ёшлари, тоҳ юрт соғинчи лиммолим бўлиб тингланадиган куй бу...

Зотан, М.Бурҳонов шундай шарафга муносиб. Унинг номи XX аср ўзбек адабиётининг барча авлодлари билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиб келаётган зиёли сифатида ҳам қадрлидир. Жумладан, Фитрат ва Чўлпон каби улуғ адиблар насиҳатларини эшитган, улар билан ака-ука тутинган.

"Фитрат билан Чўлпон маданиятимизнинг икки буюк сиймоси эдилар. Тақдир менга улар билан кўришиш, суҳбатларидан баҳраманд бўлиш бахтини ато этди. Энди билсам, уларнинг давраларида, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтказган фурсатларим умримнинг энг нурли фурсатларидан экан"

дея хотирлайди Мутаваккил Бурҳонов "Чўлпон ҳақида" сарлавҳали ёдномасида.

Бундай ёдномалар ҳикмат ила тўлиғ, улар бизга яқин ўтмиш хусусида теран тасаввур инъом этади. Хусусан, композитор Чўлпоннинг кўпчиликка номаълум жиҳатларини қаламга олиб ёзадики: "Чўлпонни Фитратникида кўриб юриб, унинг яна бир хислатини билиб олдим — у ҳам мусиқани жуда-жуда яхши кўрар экан. Шашмақом садолари янграганда Чўлпон сел бўлиб, бутун вужуди қулоққа айлангандай, бир маромда чайқалиб ўтириб тингларди. Қулоғи музикада-ю, ҳаёллари жунбушга келиб, нималарнидир кўз олдига келтираётгани сезилиб турарди. У эшитган куйларини юрак-юракдан жуда чуқур ҳис қиларди. Буни комил ишонч билан айтаётганимнинг боиси бор — баъзан шундай бўлардики, Чўлпон бир куйни берилиб тинглаб, ундан баҳо мутаассир бўлиб, чиқиб кетарди-да икки-уч кундан кейин шу куйга мослаб шеър ёзиб келарди. Бу шеър эса аввалги сўзларга қараганда куйга ўн чандон, юз чандон мосроқ бўларди".

Мазкур фикр-мулоҳазалар давримизнинг улуғ композитори шеъриятни ҳам теран англашидан далолат беради. Шу боис ҳам Мадҳиямиз мусиқасида сўз ва куй баланд пардаларда уйғунлашиб кетган.

Собиқ шўролар даврининг барча мушкулотларини бошидан кечирган композитор мадҳия куйи фонида бу кунларга етолмаганлар армонларини ҳам акс эттиргани аниқ. Ўз таъбири билан айтганда, мадҳия мусиқасини яратган онлари Мутаваккил Бурҳонов умрининг илгари ҳеч кўрилмаган энг нурли даҳиқалари саналади. Мутаваккил Бурҳонов ана шундай бахтга ноил бўлган табаррук инсон.

Истиқлол қувончи бу каби улуғ зотлар умрига умр қўшса ажаб эмас. Тарихга назар ташлайлик: қатағонлар хавфидан сира фориғ бўла олмаган Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода бир-икки йил фарқи билан, қарийб бир даврда дунёдан кўз юмган эдилар. Энди эса ўша адибларнинг шогирдлари бирин-кетин саксон, саксон беш баҳорни қаршиламоқдалар. Бу адолат тантанасидан яна бир нишона...

Биз Мутаваккил Бурҳоновни 85 баҳори билан қутлар эканмиз, эл юрт бахтига узоқ яшанг, юз ёш билан ҳам юзлашинг, деймиз.

Б.РЎЗМЕТОВ

МАДАНИЙ ҲАЁТ

"БОЛАЛАР — БОЛАЛАРГА"

Республика давлат болалар кутубхонасида "Ўсмир" ёшлар таълим маркази билан ҳамкорликда халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, "Болалар — болаларга" деб номланган суратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмага Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи, Тошкент шаҳар 101- махсус мактаб интернати, 99-мактаб-интернат ўқувчилари чизган суратлар қўйилган бўлиб, уларда юртимизнинг табиати, кишилар ҳаёти ва фаолиятини акс эттиришга ҳаракат қилинган. Кўпчилик болалар она ва бола образини яратишга интилганлар. Халқимизнинг турмуш тарзи, удумлари, халқ ҳунармандчилигига оид манзаралар ҳам болалар эътиборидан четда қолмаган.

Кўргазмада ногирон болалар чизган суратларга алоҳида ўрин берилган. Севара Ўнбарова, Гўзал Рихсиева, Кристина Гутанова, Ҳасан Содатов, Фаррух Дадахўжаев кабиларнинг суратлари кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчиларидан Комил Мирзаев, Абдулла Набиев, Сайёра Мирзаевларнинг турли мавзулардаги асарлари ҳам томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма очилишида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижрочи директори Абуманнап Абдусатторов сўзга чиқиб: "Бундай кўргазмалар болаларнинг ижодий имкониятларини ўстиришга ёрдам беради. Жамғармамиз ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга, уларга имкон қадар ёрдам уюштиришга тайёр", — деди.

Шунингдек, ушбу кўргазмага "Доктор Ким!" хусусий фирмаси, "Denton wilde sapte" ваколатхонаси ҳам ҳомийлик қилдилар. Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатининг тарбияланувчилари эса концерт дастурини намойиш этдилар.

Мирсоат ИСҲОҚОВ

* * *

Андижонда илк маротаба ўтказилган Катта ашула ижрочиларининг республика кўрик-танлови якунланди. Танловда турли вилоятлардан келган мумтоз қўшиқларимизнинг ҳақиқий мухлислари ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Энг муҳими, бу танлов катта ашулага ёшлар орасида ҳам қизиқиш кучли эканлигини кўрсатди.

* * *

Ҳазорасп туманидаги халқ театри Хива шаҳрида ўтган вилоят ҳаваскорлик театрлари кўрик-танловида биринчи ўринни олди. Театр жамоаси саҳналаштирган (режиссёр Гофиржон Атамуротов) Рўзимбой Отажоновнинг "Қора оху ёхуд оқ ажал" асари томошабинларга манзур бўлди.

* * *

Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Боборахим Омоновнинг "Айёр тулки, бўлди кулки" спектакли томошабинларга ҳавола қилинди. Асарни режиссёр Бўрон Акобиров саҳналаштирган.

Мухтасархон КАРИМОВА

* * *

Британия кенгаши, Тошкентдаги Гёте институти, Италия, Полша, Франция, Чехия республикалари ҳамда Швейцария конфедерацияси элчихоналари, Белгия қироллиги консуллиги Алишер Навоий номидаги Санъат саройи дирекцияси билан ҳамкорликда 25 май — 3 июн кунлари "Европа киноси кунлари"ни ўтказади. Бу катта кино байрамида Европа мамлакатларида ишланган энг яхши филмлар намойиш этилади.

Азиза ЮСУПОВА

ВАТАН КАБИ ПОЁНИ ЙЎҚДИР, ВАТАН КАБИ МАНГУ НАВОИЙ!

Навоий гулшани

Ҳа, шоиримиз топиб айтган: Навоий Ватан каби мангудир! Дунёда ўзбек халқи бор экан, Ўзбекистон бор экан, буюк бобомизнинг ўлмас мероси яшайди. Чунки даҳо сўз санъаткори ўзидан асрларга татигулик маънавий хазина қолдириб кетган. Бу битмас-туганмас хазиниклаб тани сайин очилмаган битмас маъноназо синдиқ этилганининг ҳали турфа маъноларини ошкора бўлаверади. Эҳтимол шу боисдандир, академик Алибек Рустамий ҳафталигимизда босилган бир мақоласида кенг ўқувчилар жамоатчилигига қарата: "Ҳар куни навоийхонлик қилинг!", деган эди. Биз — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" таҳририяти ходимлари ҳам баҳоли қудрат ҳафталигимиз саҳифаларида навоийхонлик қилишга — Алишер Навоий ижодининг ҳали кам ўрганилган ёки, умуман, эътибордан четда қолган жиҳатларини ёритишга интилмоқдамиз. Шу мақсадда, вақти-вақти билан махсус Навоий саҳифалари, имкон топилганда эса қўш саҳифалар эълон қилиб бормоқдамиз. Ушбу соннинг учинчи саҳифасида босилаётган мақолалар ҳам мутафаккир адиб ижодининг ҳали етарли даражада теран ўрганилмаган айрим масалалари юзасидан баҳс этади. Бу илмий етук мақолаларнинг яна бир муҳим томони бор: уларнинг иккитаси докторантлар қаламига мансуб. Бинобарин, навоийшунослик илмимизнинг келажаги ишончли қўлларда.

3-бет

"БУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ!"

Вилоятларимиз орасида Қашқадарёнинг ўзгача тароват ва нуфузи бор. Республикамизнинг энг серфайз гўшаларидан бўлган бу вилоят фақат асрларни асрларга туташтирувчи қадимги обидалари билангина эмас, балки бетакрор маданий мероси, адабиёт ва санъат намуналари билан ҳам фахрланса арзийди.

Кеча Бадиий академиянинг Марказий кўргазмалар залида очилган Қашқадарё вилоятининг "Бу азиз Ватан барчамизники!" деб номланган фестивали фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида "Оналар ва болалар" йилига бағишлаб ўтказилаётган бу фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Мустақилликнинг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси раиси Ҳамидулла Кароматов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Бадиий академия, республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳамкорликда ташкил этган ушбу фестивалда қатнашганлар воҳанинг ўзига хос тасвирий санъат асарлари, халқ амалий санъати намуналари билан танишдилар.

Вилоятнинг "Момо" фолклор ансамбли ижросидаги ранг-баранг ашула ва рақслар тадбирга файз бағишлади.

Б.ТОШНАЗАРОВ

АВЕСТОШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Нукус ва Хива шаҳарларида "Авесто"нинг 2700 йиллигига бағишлаб "Авесто" — Марказий Осиё халқлари тарихида" дея номланган икки кунлик илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда кўпгина таниқли олимлар маъруза қилдилар ва ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбирга қадимий ва навқирон Хивада жойлашган Хоразм Маъмун академияси илмий ходимлари, воҳа авестошунослари алоҳида тараддуд кўришди. Жумладан, академия нашриётида Бахтиёр Абдолниёзов, Абдулла Аҳмедовнинг "Хоразмнинг қадимги чорвачилиги ва "Авесто", Сафарбой Рўзимбоев, Нодира Собироваинг "Авесто" мифологияси ва Хоразм фолклори" рисолалари чоп қилинди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Тўра Мирзаев, ЎзРФА Археология институти раҳбари Т.Ширинов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши раиси Т.Камолов, Хоразм Маъмун академияси раиси муовини К.Сафаров, Хива шаҳри ва тумани ҳокими М.Мадаминов, авестошунос олим М.Исҳоқов ва бошқа олимлар иштирокида ўтган анжуман воҳа зиёлиларида, тарих ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

ТАРЖИМА ҚИЛИНМАЙДИГАН ТИЛ...

Учрашув

Бош муҳаррир топшириқ бериб қолди: «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева хориж сафаридан қайтибди. Матбуот анжумани ўтказаётган экан. Шунга қатнашиб келсангиз».

Ярим буйруқ, ярим илтимос оҳангида айтилган топшириққа йўқ, дея олмадим. Лекин яширмайман, ичимда озгина оғриндим. «Ҳа, энди, хонанда бўлса, хорижга бориб уч-тўрт сўм ишлаб келгандир-да. Шунга ҳам матбуот анжумани ўтказиш шартми? Ҳа, ана, ўтказса ўтказибди, бирорта талаба-мухбирни жўнатса ҳам бўларди-ку, шу тадбирга», деб ўйлаганим ҳам рост. Тўғриси, боргунимча бу қатнашмасдан ҳам ёзса бўладиган тадбирдир, деб ўйладим. Барибир журналистлик қизиқишим устунлик қилди. Бордим. Кўнглимда «Қани, бир кўрайчи, нима каромат кўрсатар экан», деганга ўхшаш фикр ҳам йўқ эмас эди.

Тадбирда қатнашдим ва қай бир файласуф айтган: «Бор. Кўр. Кейин фикр қил», деган сўзлар нечоғлик ҳақиқат эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Анжуман аввали одатдагидек зерикарли бошланди. Хонанда Америка, Германия, Исроил ва Туркия сафарлари ҳақида сўзлаб берди. Биз эшитдик. Кейин савол жавоб — ҳақиқий матбуот анжумани бошланди. Мен савол берган журналист ҳамкасбларимдан узр сўраган ҳолда, уларнинг саволларини умумлаштириб, Мавлуда Асалхўжаеванинг жавобларини айнан келтиришга ҳаракат қилдим.

— Мавлуда опа, ўзбек ва хоржлик хонандалар ўртасида қандай фарқ кўрдингиз?

— Биласизми, мени энг қойил қолдиргани улар телеэкрандами ёки катта-кичик саҳналардами, фақат ва фақат жонли куйлар эканлар. Бизда кейинги пайтларда жуда урф бўлиб кетган фонограмма, мини-дисклардан фойдаланишмас экан. Овозинг борми, ўзингга ишонасанми, марҳамат, куйла. Истеъдодинг йўқми, ўз овозинг билан мухлислар қалбига йўл топа олмайсанми, унда қўшиқ айтмай қўя қол.

Тўғрида, қўшиқни фонограмма қилиш мумкин. Мусиқани мини-дискка жойлаштириш ҳам қийин иш эмас. Боринг-ки, тингловчини ҳам ўзинг айтаётганингга ишонтириш мумкиндир. Лекин ўзингни алдай олмайсан-ку. Ёки фонограмма қилганингдаги кайфиятинг билан саҳнадаги кайфиятинг тўғри келмай қолади. Назаримда, фонограмма ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам алдаш демакдир. Қолаверса, хонанда актёр эмас. Балки актёр гапирмасдан туриб, юз ифодаси — мимика билан томошабинни жалб этиши мумкиндир. Лекин хонанда ўз қўшиғи, дил дарди, изтироби билан забт этади мухлис кўнглини.

— Сиз сафар давомида хоржликлар қандай қўшиқларга эътибор беришига қизиқдингизми?

— Албатта. Биринчи марта мени ҳайратга солган нарса шу бўлдики, қайси давлатда бўлмасин, ўзбек миллий

Давоми 2-бетда

АВЛИЁЛИККА ДАЪВОГАРМИСИЗ?

Кўнгилчак газетхонлардан хатлар

Ўтганлар ёдини хотирлаб туриш, улуғларимиз амалга ошириб кетган ишлардан ибрат олиб юксак инсоний мезонларни тарғиб этиш халқимизнинг кўп савобли удум ва анъаналаридан саналади. Ана шу анъаналарнинг бардавомлиги яқинда ўтган Хотира ва Қадрлаш кунида яна бир бор намоён бўлди.

Бироқ ҳар тўкисда бир айб, деганларидек, баъзиларнинг инсон хотирасини, хусусан, марҳумлар ёдини эъзозлашни ўзларича дабдабага айлантиришаётгани кишини ажаблантиради.

Яқинда қўшни вилоятнинг бир туманида сафарда бўлиб қайтдим. Сафар давомида шу ердаги қабристонга ўтиб, дуои фотиҳа қилдик. Қабристонда менинг эътиборимни мармар билан қопланган ҳайҳотдай бир қабр ва унинг устига ўрнатилган икки-уч метр баландликдаги гумбаз ўзига тортди. Ҳар қалай, бу муҳташам қурилма олдида атрофдаги бошқа қабрлар хийла ғариб кўринди. Мен ўзимча ҳойнаҳой бу гумбаз беҳудага қурилмагандир, бу бирор-бир азиз авлиёнинг саганаси бўлса керак, деб ўйладим. Қабристондан қайтар чоғимизда шу ерлик ҳамроҳлардан ўша гумбазли серҳашам қабр кимники эканлигини сўрадим. Жавобни эшитиб лолу ҳайрон қолдим: менга тушунтиришларича, бу жойга ҳеч қандай азиз авлиё дафн этилмаган. Бошдан-оёқ мармар қопланиб, устига гумбаз тикланган бу қабрга яқин ўтмишда шу туман савдо таъминотида узоқ йиллар раҳбар бўлиб ишлаган киши дафн этилган экан. "Фарзандлари ҳам, раҳматли оталаридай, топарман-тутарман чиқди. Бўлмаса бундай кошонани қуришнинг ўзи бўладими", деди ҳамроҳларимдан бири. Унинг гап оҳангидаги беозор кесатиқни англаб, ўйга толдим. Марҳумлар-ку, майли, яхшимиёмонми ўз умрларини яшаб ўтишган, уларнинг хотирасини эъзозлаш, вақт-вақти билан руҳларига дуо қилиб, қабрларини тозаозода сақлаш бизнинг инсоний бурчимиз. Бироқ манманликка ружу қўйиб, қабрларни мармар билан қоплаб, устига серҳашам гумбаз тиклаш нафақат урф-одатларимизга, балки оддий инсоний тушунчаларга ҳам тўғри келмайди-ку! Наҳотки, бу каби саъй-ҳаракатларимиз ўтган қадрдонларимиз номини улуғ диний алломаларимиз, азиз авлиёларимизга тенглаштиришга уриниш эканини тушуниб етмасак. Бундай ноўрин ишларни кўрганда беихтиёр: "Нима, сиз авлиёликка даъвогармисиз?" деб сўрагинг келади. Ахир, биродарлар, аждодларимиз тутган тутумдан чекиниб, топган мол-дунёмизга керилиб, "зўр"лигимизни кўрсатиб қўйиш учун қабристонда кошона тиклаш бошқа марҳумлар хотирасига беписандлик, маҳаллакўй, юртдошлар кўнглига тош отган билан баробар эмасми?!

Бугун халқимиз маънавиятига улкан хизматлари сингган, ислом оламида юксак эътибор топган улуғларимизнинг қадамжолари обод қилинаётгани кўп ва хўп хайрли амаллардир. Бироқ ҳар қайсимиз учун нечоғли қадрли бўлмасин, ўтган оддий биродарларимиз хоки пойига кошона тиклашга, моддий имконимиз ҳар қанча етиб-ортмасин, маънавий ҳаққимиз йўқлигини тушуниб етайлик.

Акбар ОТАЕВ,
ўқитувчи

БУГУНГИ СОНДА: ДАРД ЧЕККАН ТАБИБ... → 2

ҲАВАС ҚИЛГУЛИК ЙИГИТ → 4

18 май — Халқаро музейлар куни

МУЗЕЙЛАР МОЗИЙДАН СЎЗЛАЙДИ

Дарахт заминдан куч-қувват олиб, қўкка бўй чўзгани каби ҳар бир халқ ўз ўтмишидан руҳланиб, улкан мақсадлар сари интилади. Бинобарин, аждодларнинг шон-шавкати, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари ана шу йўлда маёқ вазифасини ўтайди.

Истиқлол бизга шундай ҳуқуқни инъом этди. Пойтахтимизда биргина Темурийлар тарихи давлат музейининг ташкил қилиниши нафақат Марказий Осиё, балки жаҳон миқёсида аҳамиятга молик амал десак муболаға бўлмас. Негаки, дунё тарихида ўчмас из қолдирган бу подшоҳнинг, маънавият раҳнамосининг ўз туғилиб ўсган жойида эъзозланиши чет эллик сайёҳлар эҳтиромини юз чандон оширади. Улар шу тариқа халқимизнинг тарихга муносабатини билиб оладилар.

Ҳозирги кунда мозий дурдоналарини кўз қорачиғидек асрабавайлаш, ўтмиш осориатиқаларини, нодир қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, ҳар тарафлама тадқиқ этиш ишларига жиддий қаралаётгани қувончли ҳол. Хусусан, Президентимизнинг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида" 1998 йил 12 январда қабул қилган Фармони музейлар мақомини юксалтиришга қаратилди.

Бугунги кунда Маданият ишлари вазирлиги қошида турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ фуқаролик кенгашлари, жамоа хўжаликлари, олий ўқув юрти, халқ таълими тизими, ҳарбий билим юртларида 1200 дан ортиқ музейлар фаолият кўрсатмоқда. Ўша музейлар фондида 1 миллион 600 мингдан ортиқ ўтмиш дурдоналари сақланмоқда. Бундай моддий ва маънавий дурдоналар, бебаҳо санъат асарлари халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилинмоқда, ёш авлодда миллий ғурур уйғотишга хизмат этмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган Фармонга мувофиқ музейлар фаолиятини янада яхшилаш, керакли илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида "Ўзбекмузей" жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма музейлар тизимини такомиллаштиришни мақсад қилиб қўйган."Ўзбекмузей" жамғармаси музейшунос мутахассисларда хайрли ишларга рағбат уйғотди. Биринчи навбатда республикамиздаги музейлар фаолияти чуқур ўрганиб чиқилди. Бу борада илмий дастур тайёрланди.

Халқимизнинг моддий ва маънавий меросини кенг тарғиб этиш, Истиқлол ғояларига мос экспозициялар яратиш мақсадида "Мустақил Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий, сиёсий тараққиёт ва маънавий янгиланиш йўлида" номли экспозициянинг илмий концепцияси, Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб тайёрланган илмий дастур ишлаб чиқилиб, республикамиз музейларига тарқатилди.

Кенг кўламдаги тадбирлар ва кўргазмаларни ташкил этишда Темурийлар тарихи давлат музейи асосий таянч вазифасини адо қилаётгани табиий ҳол. Чунки ўзбек халқи йилномасида олтин ҳарфлар ила битиб қўйишга лойиқ воқеалар айнан Амир Темур Соҳибқирон ҳамда темурийлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Яқиндагина шу табаррук масканда республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб, "Ўзбекистон: мозий дурдоналари" кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазманинг расмий очилиш маросимида мамлакатимиз қадимшунос олимларидан ташқари Оврупо олимлари, археологлари ҳам иштирок этишди. Умуман олганда, чет эллик қадимшунослар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Музейшунослик соҳасидаги халқаро алоқаларни ривожлантириш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш мақсадида "Ўзбекмузей" жамғармаси АҚШнинг Пенсилвания университети билан биргаликда "Ўзбекистон: Буюк Ипак йўли хазинаси" номли кўргазма дастурини ишлаб чиқди. Кўргазма Американинг учта йирик шаҳрида — Вашингтон, Филаделфия ва Нью-Йоркда намойиш этилди. Унда Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, Санъат музейи, Самарқанд давлат музей қўриқхонаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Амалий санъат музейи, Санъатшунослик институти, ЎзРФА археология институти, "Усто" ва "Мусаввир" халқ ижодий бирлашмалари ўзларининг ноёб экспонатлари билан қатнашдилар.

Кўргазма катта тантаналар билан ўтди. Уммон орти минтақасида тарихийлигининг кичик бир бўлагини ўзида жо этган экспонатлар барчада илиқ таассурот қолдирди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовга шу муносабат билан анжуман ташкилотчиларидан бири — Пенсилвания университетининг Марказий Осиё йўналиши директори, профессор Фредерик Т.Ҳиберт мактуб йўллади. "Америка Қўшма Штатларида қадимий "Буюк Ипак йўли"да жойлашган, уйғониш даврида ҳам, ўрта асрларда ҳам жаҳон тараққиётининг, илм-фан ривожининг ўчоғи, буюк алломалар макон топган, бой тарихи, маданиятига эга бўлган Сизнинг Ўзбекистон Республикангизга ҳурмат, қизиқиш жуда катта" деб ёзибди у ўз мактубида.

Шунингдек, Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон "ЭКСПО-2000" кўргазмасида "Ўзбекмузей" жамғармаси ҳамкорлигида мамлакатимиз музейлари хазинасида жамланган нодир экспонатлар намойиш қилинди. Оврупонинг қоқ ўртасида жойлашган бу мамлакатда, айниқса, Темурийлар тарихига катта қизиқиш пайдо бўлмоқда. Хорижлик қадимшунослар ҳар битта экспонатни ўзгача иштиёқ ила томоша қиладилар. Шу тариқа ўларда мамлакатимиз музейларига диққат-эътибор кучаяди.

Музейларимиз мақоми тобора юксалаётгани Истиқлол шарофатидандир. Айни кунда Япония, Франция, Италия ва бошқа мамлакатлардан музейларимиз экспонатлари билан танишиш истакларини билдирган, кўргазмалар ўтказиш таклифлари ёзилган хатлар келиб турибди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон цивилизация ўчоқларидан бири эканлиги аллақачон тан олинганлигидан далолат беради.

Ҳа, жаҳонга кўз-кўз қилгудек тарихимиз бор. Дунё қадимшуносларига ҳайрат бахш этувчи осориатиқаларимиз бор. Булардан фахрланмай бўладими, ахир. Худди шу маънода музейшунослик — фахрли касб. Ўз навбатида масъулияти юксак соҳадир.

18 май — Халқаро музейлар кунини Бутунжаҳон музей ходимлари ўзларининг касб байрами сифатида нишонлайдилар. Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатимиз музейлари ходимларини сидқидилдан табриклайман. Уларга маънавият борасидаги хайрли ишларида янада ривож тилайман.

Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,
"Ўзбекмузей" жамғармаси раиси



ТАРИХ СОЛНОМАСИ

Маданият ишлари вазирлиги тизимида турли соҳалар бўйича 78та музей бор. Улардан 25таси ўлкашунослик, 9таси бадиий, 17таси мемориал, 9таси адабий-мемориал, 4таси адабий, биттаси табиий-илмий музейдир. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси, Бухоро давлат қўриқхонаси, Хивадаги "Ичонқалъа" давлат музей- қўриқхоналаридаги музейларга кирувчиларнинг сони йилдан йилга кўпаймоқда. Хусусан, хорижликларнинг ҳам Ўзбекистон тарихига қизиқиши ортиб бормоқда.

* * *

"Мозийдан садо" журнали ранг-баранг илмий, маънавий- маърифий мақолалари билан ўз мухлисларига эга. АҚШ, Туркия, Германия, Италия, Япония, Белгия каби хорижий мамлакатларда Ўзбекистон халқ амалий санъатига, ўлкашунослик музейлари фаолиятига қизиқиш кучаймоқда. Тарихимизни жонлантирувчи музейлар ҳамиша изланишда.

Боши 1-бетда

ТАРЖИМА ҚИЛИНМАЙДИГАН ТИЛ...

мумтоз қўшиқларига жуда катта қизиқиш ва ҳурмат билан қарашларининг гувоҳи бўлдим. Тўғри, замонавий эстрада йўналишидаги қўшиқларимизни ҳам олқишлар билан кутиб олишди. Лекин, мумтоз қўшиқларимизни қайта-қайта сўрашди. Бир саҳнада «Алла»ни уч марта айтдим. Ҳатто тингловчилар орасида йиғлаб эшитаётганларини ҳам кўрдим. Санъатга, санъаткорга бундан ортиқ сийлов, бундан ортиқ мукофот бўлмайди, ахир.

— Йиғлаганлар хорижда яшаётган ўзбеклар бўлса керак, хойнаҳой?

— Йўқ. Бу ўринда адашдингиз. Мана ўзингиз, олайлик, ҳинд қўшиқларини эшитиб йиғламаганмисиз? Озарбойжон оҳангларига сел бўлмаганмисиз? Иброҳим Тотлисас ёки Сардор Ўртачни бефарқ эшита оласизми? Майкл Жексон ёки шунга ўхшаш бошқа ўнлаб жаҳон юлдузларининг қўшиқлари қайси ўзбек хонадонида янграмайди? Ахир уларнинг сўзларини биз ҳам тушунмаймиз-ку. Нега эшитамиз? Нега ҳеч бўлмаса, юрак-юракдан бир «оҳ» тортиб қўямиз. Чунки улардаги оҳанг, нола кўнглимизга кириб боради. Кўнгилнинг нозик торларини чертади. Айтиб қўяй, дунёда таржима қилинмайдиган ягона тил мавжуд. Бу ҳам бўлса оҳанг, мусиқа. Санъаткорнинг юрак туғёни. Бизнинг мумтоз мусиқаларимизда, катта ашулаларимизда ўзбек деган халқнинг, ўзбек деган миллатнинг қалби яшайди. Уни дунёнинг барча халқлари таржимасиз ҳам тушунишларига иймоним комил. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Ўз кўзим билан кўрганларим, ўзим гувоҳ бўлганларимни сўзлаб бераяпман.

— Хорижликлар яна нималарга эътибор беришар экан?

— Сафар давомида яна мени ҳайратга солгани шу бўлдики, улар бизнинг миллий либосларимизга жуда ҳурмат билан қарашади. Энг сўнгги мододаги, энг қимматбаҳо либос билан чиқинг саҳнага, уларни ҳайратга сола олмайсиз. Лекин миллий кийимда саҳнага эмас, айланиш учун кўчага чиқсангиз ҳам дарров ўраб олишади. «Бир марта ушлаб кўрсак майлими», деб сўрашади. Иложи бўлса, «Сотинг» деб қисталанг ҳам қилиб кўришади.

— Унда ўзимизнинг саҳналарда чиқаётган айрим ярим-яланғоч «хонанда»лар, клипларда суратга тушаётган, ўзбекларга хос бўлмаган қилиқлари билан томоқабиннинг меъдасига тегаётган «гўзал»лар ҳақида нима дея оласиз?

— Очиғини айтиш керак, икки-учта, борингки, беш-ўнта қўшиқ билан ҳеч ким хонанда бўлиб қолмайди. Хонандалик — бир умрлик сермашаққат меҳнат. Фикримча, икки марта телевизорда, тўрт марта радиода чиқиш қилганнинг бари ҳам хонанда бўлиб қолавермайди. Аввало хонанда билан ҳаваскорнинг ўртасидаги чегарани топиб олишимиз керак. Агар мана шу чегарадан туриб қарайдиган бўлсак, сиз саволингизда тилга олганларнинг жуда кўп қисми, нариги томонда қолиб кетади.

Энди клипларда меъдага тегаётган «гўзал»ларга келсак, мен улар ҳақида гапиришни ўзимга эп кўрмайман.

— Суҳбатимиз ўз-ўзидан ёшлар мавзусига келиб тақалди. Кундан-кунга кўпайиб кетаётган «ёш эстрада юлдузлари» ҳақида фикрингиз қандай? Умуман, саҳнада анча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган хонанда сифатида, бугунги ёшлар хусусида нима дея оласиз?

— Тўғрисини айтайми?

— Албатта.

— Ундай бўлса, эшитинг. Ёшми, қарими, эстрадами ёки бошқа жанрдами юлдуз бўлишнинг ўзи бўлмайди. Хафа бўлманг-у, иккита газетада «эстрада юлдузи», деб ёзган ёки эфирда «юлдуз», деб таништирилган билан ҳеч ким юлдуз бўлиб қолмаган. Агар юлдуз бўлиш учун биргина таниш журналистнинг таърифи етадиган бўлса, бугун дунёни юлдузлар босиб кетарди. Ахир ҳақиқий санъат юлдузлари бизда бармоқ билан санарлику. Мана, олайлик Ботир Зокиров, ҳеч қандай мақтовга ҳам, таърифу тавсифга ҳам муҳтож эмас. Дунёдан ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, уни бирорта мухлис унутгани йўқ. Унутмайди ҳам. Ёки Юлдуз Усмоновни олинг. Мақтовга муҳтожми у? Йўқ, албатта. Чунки уларнинг ўзлари ҳақиқий юлдузлар. Сиз айтаётган «юлдуз»ларни ҳам, вақт ўзи кўрсатади.

— Бугунги ёшлар ҳақида...

— Ҳа, саволингизнинг иккинчи қисми қолиб кетибди. Тўғрисини айтиш керак, ёшларимиз орасида истеъдодлилар кўп. Ҳали вақт келиб уларнинг ораларидан ҳам дунёга машҳур хонандалар етишиб чиқишига ишончим комил. Фақат улар оғир олмасалар бир гапни айтиб қўймоқчи эдим. Ёшларнинг орасида эндигина уч-тўртта қўшиқ айтиб, ҳаволаниб кетганлари ҳам бор. Сиз юқорида айтиб ўтган «юлдузлик касали»га чалиниб қолаётганлар ҳам бор. Айтмоқчи бўлганим, дунёда бизнинг халқимиздай содда, самимий ва камтар халқнинг ўзи йўқ. Халқимиз манманликни ёқтирмайди. Манманликни ўзига сингдиролмайди. Ҳар қанча истеъдоди бўлсин, манман одамни четга суриб қўяди халқимиз. Ёшларимиз мана шу жиҳатни унутмасалар яхши бўлармиди, деб ўйлайман.

— Мавлуда опа, яна ўз суҳбатимизга қайтсак, мана, сиз Туркияда янги кассета, лазер диск, клиплар ёздирибсиз. Айтинг-чи, ўзимизда улар даражасидаги овоз ёзиш студиялари йўқми? Ёки хорижда албом ёздиришнинг ҳам ўзига хос обрўли томони борми?

— Кечирасиз-у, саволингизда озгина қитмирлик ҳам сезилиб турибди. Тан олиш керак, Ўзбекистондаги овоз ёзиш студиялари Туркиядаги шундай студиялардан зўр бўлса зўр-ки, лекин ёмон эмас. Энди нега мени айнан Туркияга бориб албом ёздирганимга келсак. Бугун сизларга тақдим қилаётган меҳнатим маҳсулини тайёрлашим учун, яқин бир ярим-икки йил вақтим кетди. Бу орада Ўзбекистонда ҳам клиплар қилдим. Ўн кун уйда, икки ҳафта Туркияда яшаган вақтларим кўп бўлди. Айтиб қўяй, мен бу ишларни бирортасини ҳам «хорижда диск ёзибди», деганга ўхшаш ҳавойи обрў учун қилганим йўқ. Мақсадим битта эди. Ўзбекистонимизнинг дунёга танилишига озгина бўлса-да, ҳиссамни қўшиш.

Бугун Туркияда икки юзу элликдан ортиқ телеканаллар фаолият кўрсатади. Бу каналларнинг кўрсатувларини дунёнинг барча мамлакатларидан туриб томоша қилиш мумкин. Мен мана шу каналларнинг ҳаммасида чиқишлар қилдим, деб айта оламан. Ана шу чиқишларимда мен ўзбек бўлиб куйладим, Ўзбекистон бўлиб куйладим. Ҳар бир кўрсатув аввалида мени ўзбекистонлик хонанда сифатида таништирдилар. Мана шу кўрсатувларни кўрган мухлислар мени эмас, яна бир карра Ўзбекистонимизни танидилар. Мана шунинг ўзи менга бахтдир.

— Келинг, юрт соғинчи ҳақида...

— Ўзим ҳам шу ҳақда гапирмоқчи бўлиб турувдим. Юқорида айтдим, Туркия телевидениесида кўп чиқишлар жонли бўлади. Ана шундай кўрсатувларнинг бирида телефон бўлиб қолди. Мен билан суҳбатлашаётган журналист қиз, томошабин саволни ўзимга бермоқчи эканлигини айтди. Гўшакни олдим. Қандай савол беришди, биласизми? «Сиз Туркияда қолишни истайсизми?» деб сўрашди. Ўзим кутмаган ҳолда йиғлаб юбордим. Йиғлаб туриб жавоб бердим. «Мен ҳаммани яхши кўраман. Ҳамма мухлисларимни ҳурмат қиламан. Дунёнинг хоҳлаган бурчагига бориб қўшиқ айтишим мумкин. Лекин Ўзбекистонсиз яшай олмайман. Ҳатто ўзимни Ўзбекистонсиз тасаввур ҳам қилолмайман», дедим. Хорижга сафарларим давомида кунда такрор-такрор айтардим: «Агар иложи бўлса, ҳар куни уйга, Ўзбекистонга бориб келсам», деб. Бирор кеча бўлмаганки, мен Ўзбекистонни, уйимни соғинмаган, қўмсамаган бўлсам.

— Биз мустақиллик ҳақида кўп гапирамиз. Уни ҳар ким ўзича тушунади, ўзича талқин қилади. Сиз, биринчидан, хонанда сифатида, қолаверса, хориж сафарида бўлиб қайтган ўзбек сифатида бу ҳақда нима деган бўлардингиз?

— Мустақиллик ҳақида сўз кетганда, аввало, унгача бўлган даврни ҳам бир эслаш керак, деб ўйлайман. Мана мисол учун, бундан ўн йил олдин мен ўзбек хонандаси сифатида Германияга боришим мумкинмиди? Исроилда концерт бера олармидим? Ёки Туркия телевидениесида тўғридан-тўғри мулоқот қилишим, қўшиқ айтишимнинг иложи бўлармиди? Жавоб битта. Йўқ. Йўқ. Яна йўқ.

Мана мустақиллик менга хонанда сифатида, ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг фарзанди сифатида нима берди! Дунёни кўриш имкониятини берди! Дунёга танилиш имкониятини берди! Шундай экан, мен мана шу озод Юртнинг, озод Ватаннинг, озод Миллатнинг фарзанди сифатида унинг юксалишида, дунёга танилишида, нафақат овозим, санъатим, балки, бутун вужудим, керак бўлса жонимни тикиб бўлса-да, хизмат қилишим ҳам фарз, ҳам қарздир.

***

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева билан суҳбатимиз уч соатга яқин давом этди. Хонанда яратган янги қўшиқлар, режалаштириб қўйган ишлар ҳақида сўзлашдик. Унинг янги қўшиқларининг илк тингловчиси бўлдик.

Суҳбатдан қайтар эканман, анжуманда қатнашганимдан хурсанд бўлдим. Агар топшириқ бошқа одамга берилганида, шунча яхши гапдан қолиб кетар эканман, деб ўйладим. Ва, албатта, суҳбатнинг ўзимга ёққан қисмини, сиз, азиз муштарийга ҳам илиндим.

Ислом ҲАМРО

ЯНГИ НАШРЛАР



Ҳуқуқий маданият, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолотланиши, одил судлов каби масалалар бўйича Ўзбекистон жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиб олиши керак. Шу юксак мақсадларни кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги муассислигида нашр этилаётган ижтимоий-ҳуқуқий ва илмий-оммабоп "Ҳаёт ва қонун" журнали Истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида тубдан янгиланган — ҳажми, мазмун-мундарижаси, шакл-тамойили тамом ўзгарган тарзда нашр этила бошланди. Нашрнинг мавзу доираси кенгайди, ранг-баранглиги ортди. Бу, албатта, журнал муштарийлари учун катта янгилик. Зеро, бугунги кун талаби, ўқувчилар диди, замонавий техник воситаларнинг имкониятлари ана шундай нашрни йўлга қўйишни тақозо этарди. Журнал таҳририятининг астойдил саъй-ҳаракати туфайли бу масъул иш юқори даражада амалга ошганини яқинда чоп этилган "Ҳаёт ва қонун"нинг янги нашрини варақлаб, ўзингиз гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Жамиятимизда қонунийликни юқори босқичга кўтаришдек олийжаноб вазифани ўз олдига қўйиб, дадил ишга киришган бу журнал таҳририяти фаолиятида омадлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Language and the World
TIL VA DUNYO
O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI NASHRI
2001-YIL, APREL. 1-SON

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети том маънода Мустақиллик шарофати билан дунёга келди. Бир пайтлар атиги тўрт хорижий тил ўқитиладиган бу илм даргоҳида бугунги кунда ёш авлод йигирма икки тил сирларини ўрганаётир. Яқинда университет ҳаётида қувончли воқеа рўй берди — университетнинг "Тил ва дунё" деб номланган газетасининг биринчи сони чиқди.

Яхши ниятлар билан фаолиятини бошлаган бу нашр талабаларга самимий ҳамсуҳбат, доимий ҳамроҳ бўлиш билан бирга, уларнинг илму ирфонни, янгиликларни пухта эгаллашларида беғараз кўмакчи бўлиб қолади, деган умиддамиз. "Тил ва дунё" Жаҳон тиллари университети талабаларининг дунёни танишида, ўзларини англашлари, эркин фикр юритиш малакасини эгаллашларида, қолаверса, бу илм маскани фаолиятини кенг ёритишда қўл келади.

"Тил ва дунё" газетасининг илк сони етти минг нусхада чоп этилган.

Озод Ватан одами

ДАРД ЧЕККАН ТАБИБ...

ёхуд йигирма беш дақиқали жарроҳлик амали

Халқимизда шундай ажойиб нақл бор: дард чеккан табиб, ундан давосин сўранг! Шундай деймизу, лекин умуман дард чекмаган одамнинг ўзи бормикан бу оламда. Инсонмиз, иссиқ жонмиз, танимизнинг гоҳ у, гоҳ бу жойи оғриб туради ва бу табиий. Лекин оғир дардмандлар ҳам борлигини инкор этолмаймиз. Баъзан ҳатто энг соғлом одам ҳам арзимаган дард туфайли кўп азиятлар чекиши мумкин.

Йигирма йиллар аввал бир дўстимизни, отаси оғир жарроҳлик амалини бошидан ўтказган куни, зудлик билан қишлоққа чақиришган эди. "Етиб боргунча не бир оғир ўй-хаёллар бошимдан кечмади, — деганди ўшанда у. —Хайрият, отамни тирик кўриб, Оллоҳга шукрона айтганман. Отамни зарур пайтида олис қишлоқдан туман марказига кечиктирмай олиб келишган ҳамқишлоқларимга, яна тун бўйи оғир жарроҳлик амалиётини бажарган шифокорларга таъзим қилганман".

Дўстимизнинг бу гапларини эслаётганимиз боиси бор: ўша жарроҳлик амалиётидан сўнг унинг отаси шифохонада роппа-роса бир ой ётиб даволанган... Куни кеча эса биз Самарқандда худди шундай хасталик билан оғриб, жарроҳлик амалиётидан чиққан бир беморнинг икки соатдан кейин ўрнидан туриб юрганини, бир кундан сўнг эса шифохонадан уйига соғайиб, ўз оёғи билан юриб кетганини кўрдик. Ҳа, кўзларимизга ишонмадик: тиббиёт фани ўтган йигирма йил ичида шу қадарлик ўсгани, камол топгани ҳайратланарли!

Шу ўринда яна бир мисол келтирсак. Таниқли шоирларимиздан бири ўн йилча бурун Америкага борган экан. Ўша кезлар уни ҳам худди шундай хасталик, яъни ўт қопининг яллиғланиши безовта қилган. Ўт қопини олдиришга шошилмай, бироз пархез сақлаб, ўзини аяб юрган шоиримизга америкалик ватандошлар ҳиммат кўрсатишибди: "Сизнинг хасталигингиз бу мамлакат тиббиётида арзимаган жарроҳлик ҳисобланади, бир ҳафтада ўт қопингизни олиб ташлашади, отдай соғайиб кетасиз, америкалик жаҳонга машҳур, энг зўр ҳакимларга қаратамиз", деб роса қисташибди. Шунда шоиримизни оғир ўй босибди. Хотирасига бир дўхтир оғайнисининг айтган гапи келибди: "Тўғри, жарроҳликнинг оғири, енгили бор, деймизу, бироқ танага тиғ текканда кейин у ёғи ёлғиз Оллоҳга боғлиқ. Арзимаган нарса билан ўлиб кетиш ҳам ҳеч гапмас..."

Шоиримиз ўйлаб-ўйлаб, "Ке, қўй, шу Америкасида тағин бир бало орттириб, ҳар хил гапга қолиб юрмайин. Ғаюрлар шаънимга бир сўз демасин. Операция қилдирсам ҳам, қийналсам ҳам — ўз юртимга бориб қилдирай" деб, Америкадан келгач, Тошкентдаги Кўкрак хирургияси институтида ўзини жарроҳлик йўли билан даволатган экан. Ўшанда шоиримиз икки ҳафтача ётиб даволаниб, ўт қопини олдириб чиққан. Бугун соғ-саломат юрибдилар. Қанчадан-қанча асарлар битди. Америкада эса, ҳаёлга нималар келмаган дейсиз.

У киши-ку катта шоир. Бироқ хасталик ҳеч кимни — шоҳни ҳам, гадони ҳам аяб ўтирмайди. Мажбур бўлганда эса одам операция столидан бўйин товлай олмайди. Ўша чоғда бемор хаёлидан нималар ўтмайди, дейсиз? Буни фақат операция столига ётиб чиққан ёхуд яқин бир кишиси шундай жарроҳлик амалиётидан ўтганда ёнида туриб кўрган одамгина ҳис этиши мумкин.

Энди, салкам уч-тўрт соат давом этадиган жарроҳлик йигирма беш дақиқада бажарилса, бунинг устига жарроҳ беморнинг қорнини ёриб ўтирмай, атиги икки уч жойидан кичкина тешикча очиб, улардан керакли асбобларни, жумладан жарроҳлик жараёнини ойнаи жаҳон орқали кузатиб туриб амалга ошириш имконини берувчи нозик телекамерани ҳам беморнинг қорнига тушириб, ўт қопини олиб ташлаш, аъзоларни бир-биридан айириш, томирларни тикиш, хуллас, яна қанча амалларни тез ва соз бажарса — буни мўъжиза демай бўладими?!

Биз бу мўъжизани Самарқанд давлат Тиббиёт институти клиникасида ўз кўзимиз билан кўрдик ва ўша беморлару жарроҳлар билан суҳбатлашганда ишончимиз янада ошди. Оқ халат, оқ қалпоқ ва оқ сурпдан тикилган "махсус этик" кийиб профессор Баҳодир Урдушевич Собиров ва унинг шогирдлари ҳамроҳлигида жарроҳлик хонасига кириб бордик. Шу куни йигирма етти ёшли бемор Ихтиёр Валиевнинг қаттиқ шикастланган ўт қопи янги усулда, яъни махсус лапараскоп ёрдамида олиб ташланиши белгиланган. Биз клиника жарроҳларининг "донги кетган" ана шу усулда жарроҳлик амалиётини ғоят қисқа вақтда, бирор асорат қолдирмасдан бажаришларига ўз кўзимиз билан гувоҳ бўлиш учун бу жойга ташриф буюрган эдик. Жарроҳлик хонаси "Хорман" ва " Карл Шторн" фирмаларида яратилган технология ускуналари билан жиҳозланган.

... Бемор "ухлатилгач", лапараскоп аппаратининг эгилиб, бўралувчи нозик қувурга ўхшаган ускуналари қорин бўшлиғига унинг уч жойидан очилган кичик тешиклар орқали киритилди. Шу зумдаёқ тепада осилиб турган экранда беморнинг қорин бўшлиғидаги аъзолар кўрина бошлади. Профессор Б.Собиров шогирдлари З.Муртазоев, И. Орипов, Н. Қўшмуродовлар билан биргаликда зум ўтмай шикастланган аъзо, яъни ўт қопини топдилар ва уни жигар ва бошқа аъзолардан ажратишга киришдилар. Албатта, инсон ҳаёт-мамоти билан боғлиқ бундай жарроҳлик жараёнини илгаридан кўп кўриб, кўзи пишмаган одамнинг ҳаяжонсиз кузатиши амри маҳол. Шу боис шифокорлар қўли-қўлига тегмай бажараётган ишларни кўз узмасдан, юрак ҳовучламасдан кузатишнинг ҳам ўзи бўлмас экан. Нафасимизни ичга ютиб, ҳар бир ҳаракатни кузатиб турарканмиз, шифокорларнинг маҳоратига, ундан ҳам кўра, шундай ажойиб тиббиёт техникасини яратган тафаккур соҳибларига қойил қолмай илож йўқ эди.

Беморнинг қорин бўшлиғига кириб борган найсимон уч қувурнинг бири ички аъзоларни йигирма баробар катталаштириб экран орқали кўрсатувчи "махсус телекамера" бўлса, иккинчиси шикастланган аъзони илиб, сидириб олувчи мосламаси. Учинчиси эса зарур жойни "тикиб", дорилаб ювиш ишларини бажаради. Жарроҳлик амалиётини бажараётган профессор Собировдан: "тикилган чоклар қолаётган мўъжаз метал симлар бемор организмига зарар қилмайдими?" деб сўрайдик. "Йўқ, — дейди профессор, — аввало, инсон организмида қолдирилган махсус тантал металлар занглама йди ва тўқималарнинг реакциясини чақирмайди. Иккинчидан, ҳафта-ўн кунда унинг ускунаси ўт қопи бошқа аъзолардан ажратишга ... 25 дақиқа вақт сарф бўлибди. Анъанавий усулда бажарилганда эса бир ярим — икки-уч соат вақт кетарди. Бунинг устига, бемор кўп азият чекарди. Жарроҳлик амалиётидан сўнг ҳам ойлаб беморни соғайтириш учун саъй-ҳаракат зарур бўлар, шу орада эса қанчадан-қанча дори-дармон ишлатилиб, баъзан муайян асоратлар келиб чиқиши ҳам аниқ эди. Жарроҳлик изининг чандиқ бўлиб қолиб кетишини айтмаса ҳам бўлади.

Янги усулнинг энг катта афзаллиги шуки, бемор биринчи куннинг ўзидаёқ ўрнидан туриб юради ва эртасигаёқ бемалол уйига қайтиши мумкин. Шунинг учун ҳам у кам шикаст етказувчи жарроҳлик усули деб баҳоланмоқда. Энг муҳими, бемор вужудида қоладиган асорат жуда камдан-кам учрайди.

Реанимация бўлимида шу усулда ўт қопи олиб ташланган яна бир бемор — оқдарёлик Машҳура Қурбонова билан суҳбатлашдик. Шифокорларнинг айтишича, унинг бошқа хасталиклари ҳам бўлган, яъни юраги заифроқ, қон босими юқорироқ экан. Шу сабабли уни янгича усулдаги жарроҳлик амалиётига махсус тайёрлашган. Бемор операциядан кейин ўзини яхши ҳис этаётгани, бугунок ўрнидан туриб юрганлигидан мамнун.

— Ёндош касалликлари бўлган беморларни эски усулда операция қилганда асорат хавфи юқорироқ бўлади, — дея изоҳ беради реанимация бўлими раҳбари, профессор Азамат Раҳимов. — Янги усул шу жиҳатдан беморларга ҳам, шифокорларга ҳам жуда қўл келаётир. Кеча бемор У. Юсупованинг ўпка эхинококи шу усулдаги жарроҳлик йўли билан олиб ташланган эди. Бугун туриб юрибди, мана, ўзингиз суҳбатлашинг, — дейди кроватда туриб сочини турмаклаётган хушрўйгина аёлни кўрсатиб...

Лапараскоп ёрдамида амалга ошириладиган эндоскопик хирургия усули Самарқанд давлат тиббиёт институтида 1996 йилдан буён муваффақиятли қўллаб келинмоқда. Баҳодир Урдушевич Собиров бошлиқ шифокорлар уни амалда қўллаб, қанчадан-қанча беморларни ҳаётга қайтаришди. Умрларини узайтирди. Профессор институтнинг биринчи жарроҳлик кафедрасини бошқариш билан бирга беш юздан ортиқ профессор-ўқитувчилар, аниқроқ айтсак, олтмиш нафар фан доктори, профессор, икки юздан зиёд фан номзоди, доцентлар меҳнат қилаётган, қанчаданқанча бўлғуси шифокорлар — талабалар таҳсил олаётган йирик тиббиёт институтига, унинг клиникасига ҳам раҳбарлик қилаётир.

— Биз уч касб эгасимиз, — дейди жарроҳлик жараёни муваффақиятли ўтганидан мамнун профессор, — педагог, олим, шифокор. Ҳар учаласини ҳам бир-бирига уйғун ва мутаносиб ҳолда олиб бормасак, замондан орқада қоламиз.

Ҳа, профессор Баҳодир Собиров жуда топиб айтди. Биз бугун қайси соҳада иш олиб бормайлик, қайси соҳада ижод қилмайлик: олимми, ишчи ёки шифокорми — замондан, даврдан орқада қолмаслигимиз зарур. Мустақиллик озод Ватаннинг ҳар бир фуқаросига яратиб берган имкониятлар давр билан ҳамнафас бўлишни, халқ ва мамлакат хизматига камарбаста бўлишни талаб этади. Буни англаш ва ҳис қилишга ҳар биримиз бурчлидирмиз.

Алижон ЗОҲИДИЙ
Маҳмуд САТТОР

ВАТАН КАБИ ПОЁНИ ЙЎҚДИР, ВАТАН КАБИ МАНҒУ НАВОИЙ!

"ТАРИХ АҲЛИНИНГ ИХТИЛОФИ КЎПТУР..."

Навоий туркий тилдаги насрни ривожлантириш мақсадини ўз олдига қўяр экан, бунда биринчи галда тарихий асарлар яратишга жазм этди. Чунки Шарқдаги анъанага мувофиқ тарихий асарлар насрнинг асосий турларидан бири деб қаралган.

Шубҳасиз, "Хамса" яратиш — Навоий ҳаётда ўз олдига қўйган буюк мақсад эди. Ана шу юксак орзуга у 1485 йили эришди: бу улкан асар устидаги ишини якунлади. Энди шоир ўзи муҳим деб ҳисоблаган бошқа ишларга киришиши мумкин эди. Бундай ишлар эса кўп бўлиб, шулар орасидан Навоий тарихий асарлар яратишни биринчи вазифа сифатида ажратиб олди. "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам" асарларини ёзишга Навоий "Хамса" яратилганидан кейинок жаҳд этганлиги унинг мазкур ишга муҳим ва долзарб вазифа сифатида қараганлигини кўрсатади.

Адабиётшуносликда юқорида тилга олинган асарларни икки мустақил асар эмас, балки бир яхлит асарнинг бўлаклари деган фикр ҳам билдирилган. Бизнинг назаримизда ҳам мазкур фикр муайян асосларга эга. Навоий асарида шундай қайдлар учрайдики, улардан муаллиф фақат ёзиб улгурган қисмларинигина эмас, ёзмоқчи бўлганларини ҳам қўшиб, барчасини бир яхлит асар сифатида тасаввур этганлиги маълум бўлади. Ўзининг бу тарихий асарини Навоий "Зубдат ут-таворих" деб атайди.

Биз бу мақолада Навоий асарининг ҳозир бизда "Тарихи мулуки Ажам" номи билан машҳур бўлган қисмига доир айрим мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз. "Тарихи мулуки Ажам"да тарихий воқеалар афсоналар билан қоришиб кетганини, тарихий фактлар билан бирга кишининг ақли бовар қилмайдиган, ишониш қийин бўлган маълумотлар ҳам келтирилганини кўриш мумкин. Масалан, Навоий қадимги Ажам шоҳларидан Фаридун ҳақида сўзлар экан, "Фаридуннинг подшоҳлиғи беш юз йил эрди", — деб ёзади. Ажам шоҳларининг иккинчи табақаси каёнийларга мансуб бўлган Кайқубоднинг подшоҳлик муддатини 120 йил дейди. Пешдодийлардан Хушангнинг ўлими ҳақида у "таворихда мундоқ масбутдурким, девлар ани саждада топиб, бошин янчиб ўлтурдилар" деган сўзларни битади, кейин Хушангнинг ўғли отасининг ўчини олиш учун девларни ҳалок этгани ва ўша ерда шаҳар қуриб, у шаҳарни Балх деб атаганини баён қилади. Каёнийлардан Кайковус, Кайхисрав сингари подшоҳлар зикрида муаррих асосан афсонавий-романтик талқин йўлидан боради. Сиёвуш ва Рустам ҳақидаги афсоналарни эса тарихий маълумотлар сифатида келтиради.

Шу ўринда савол туғилади: Навоийнинг ўзи ана шу гапларга ишонганми? Асарда келтирилган эртакнамо афсона гапларга у қандай қараган?

Бу саволга "Зубдат ут-таворих"нинг аввалги қисмида Навоийнинг манбалардаги ихтилофли фикрлар муносабати билан ёзган қуйидаги шеъридан жавоб топиш мумкин:

Тарих аҳлининг ихтилофи кўптур,
"Шоҳнома"нинг андоқки лофи кўптур,
Баъзи мутаассиб эл газофи кўптур,
Сен ёзғали ҳам нуктаи вофи кўптур.

Кўриниб турибдики, Навоий манбаларга танқидий муносабатда бўлган, уларда ёзилган барча гапларни ҳақиқат деб қабул қилмаган. Манбаларда мутаассиб кишилар томонидан қўшилган лофу газофларнинг кўплигини, яна турли ихтилофли фикрлар борлигини яхши билган. Лекин шундай бўлса-да, ана шу кишига амри маҳол бўлиб кўринадиган "лофу газофлар"ни ўз асарида акс эттирган. Бунинг сабаби нимада? Жавобни яна адибнинг ўз сўзларидан излаймиз: "Бу фақир қаламига ул қобилият йўқдуркким, аҳли тарих биткандин тафриф қилилғай". Навоий "Тарихчи олимлар томонидан ёзилган нарсаларни тўғрилаш, таҳрир қилиш қўлимдан келмайди", деб ёзар экан, бу ўринда юқоридаги афсона ва лофу газофлар ўрнини чинакам тарихий маълумотлар, далиллар билан тўлдириш имконияти йўқлигини назарда тутади. Шу сабабли адиб "борига барака" қабилида иш тутиб, олдинги тарих китобларида битилган ёки бошқа манбалар орқали етиб келган маълумотларни хоҳ афсона, хоҳ тарихий факт бўлсин, тўла-тўкис ўқувчига етказиш йўлидан боради. Бундан ташқари, Навоий афсона ва ривоятларнинг тарих учун катта аҳамияти борлигини яхши тушунган, барча халқларнинг қадимги тарихи афсоналарга уланиб кетишини яхши билган. Замонавий тарих фани ҳам мифологиянинг, ривоятларнинг тарихни ўрганишда ўзига хос манба сифатида қимматга эга эканлигини инкор этмайди.

Шу билан бирга, "Тарихи мулуки Ажам" фақат афсона ва ривоятлардан иборат эмас. Унда кўп реал тарихий воқеалар ва маълумотлар ҳам ўз аксини топган. Искандар ҳақида ёзар экан, Навоий мазкур тарихий шахс тўғрисида Шарқда кенг ёйилган афсонавий тасаввурларни: гўё у 1600 йил яшагани, подшоҳлик даври 500 йил экани, айримлар уни Дороб ўғли деб, бошқалар Бозур бинни Албон ўғли деб ҳисоблагани ҳақидаги маълумотларни келтириш билан бирга тарихий ҳақиқатга мос сўзларни ҳам, жумладан, у бор-йўғи ўттиз олти (ҳозирги ҳисобда ўттиз уч — **Қ.Э.**) йил яшагани ва 13 йил подшоҳлик қилганини тасдиқловчи маълумотларни ҳам айтиб ўтади. Ажамда Қубод ва Нўширавон ҳукмдор бўлган даврда Маздак таълимотининг кенг тарқалиши, маздакийлар ҳаракатининг авж олиши ва бу ҳаракатнинг Нўширавон замонида бостирилиши каби Навоий асарларида баён этилган воқеалар, фактлар тўлиқ тарихий асосга эгадир.



Нўширавоннинг подшоҳлик муддати борасида Навоий икки хил маълумотни келтиради: уларнинг бирига қараганда, у қирқ йил; бошқа маълумотга қараганда, қирқ етти йилу олти ой тахтда ўтирган. Ҳозирги тарихчи олимларнинг ишларидан маълум бўладики, бу маълумотларнинг иккинчиси тўғри, яъни Нўширавон қирқ етти йил ҳукмдорлик қилган...

Асарда сўнгги сосонийлар давридаги оғир вазият ёрқин тасвирлаб берилган. Ўша пайтдаги сиёсий беқарорлик, подшоҳларнинг тез-тез алмашиб туриши ва мамлакатнинг заифлашуви тўғрисида Навоий шундай ёзади: "Акосира мулки бу ерга етканда паришонлиғ кўп юзланган учун тарихи мазбут эмас... Кисро Михржис Ахвозда эрди. Ул Ардашер Бобак наслидин эрди. Акосира аркони давлати ани топиб келиб тахтқа ўлтурттилар. Ва ул бир неча кун подшоҳ эрди ва лекин бу улуқ иш уҳдасидин чиқа олмади ва ожиз бўлди. Ани дағи дафъ қилдилар...

Чун мулк шоҳсиз бўла олмас, Насибин деган ердин Хирад Хисрав отлиғ Парвиз ўғлонларидин топтиларки, Шеруя қардошларин қатл қилурда қочиб эрди ва яшунуб юрур эрди, ани келтуруб, тахтқа ўлтурттилар. Ул доғи бошқара олмади...".

"Тарихи мулуки Ажам" фақат ўзидаги тарихий маълумотлар билангина эмас, бошқа бир қанча жиҳатлари билан ҳам қимматлидир. Жумладан, унда Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, тарихга давлат арбоби сифатида ёндашуви ўз аксини топган. Асардан маълум бўладики, Навоий тасаввуридаги ижтимоий адолат, энг аввало, халқ фаровонлигини, халқнинг тинч меҳнат қилиши ва ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборатдир. Ана шу вазифанинг уддасидан чиқа олмаган ҳукмдор мамлакатни бошқаришга лойиқ эмас. Бундай подшоҳнинг қўл остидаги мамлакат гўё эгаси йўқ мулкка ўхшайди. Бунга мисол сифатида Навоийнинг сосоний ҳукмдорлардан Яздижурд бинни Баҳром тўғрисида ёзган сўзларини келтириш мумкин: "Яздижурд бинни Баҳром чун мамлакат эгаси бўлди, гўёки мулк эгасиз қолдиким, у золим ва нодон киши эди. Ардашер Бобакондин бери сосонийнажод салотиндин халойиққа ҳар неча шафқат ва адолат етти ул барчанинг эвази таадди ва бедод еткурди ва мамоликка ҳар неча маъмурлик ва орасталик юзланди ул барчанинг подошини бузуқлик ва паришонлик била ҳаддин ошурди".

Шуни айтиб ўтиш керакки, Навоийнинг бу каби масалаларга эътибор бериши фақат унинг инсонпарварлиги, ундаги гуманизм билангина изоҳланмайди. Бу ўринда муаллифнинг масалага тажрибали давлат арбобининг кўзи билан қарагани сезилади.

Ўз даврининг бошқа адиблари сингари Навоий наср тушунчасига кенг маъно беради. Насрий асар қайси соҳага тегишли бўлмасин, унда қайси мавзу ҳақида сўз юритилмасин, барибир, бадиият унсурларидан холи бўлмаслиги, ўқувчи ундан ҳам билим, ҳам бадиий завқ олиши кераклигини кўздан қочирмайди. "Тарихи мулуки Ажам"да тарихий маълумотлар билан бирга ривоятлар, нақллар ва афсоналарнинг ҳам келтирилиши, шунингдек, асардаги шеърий парчалар ана шу мақсадга хизмат қилади. Асарда шундай ўринлар борки, улар ўқувчида худди саргузашт асар сингари таассурот қолдиради. Масалан, "Тарихи мулуки Ажам"нинг Ардашер Бобак ҳақидаги қисмларида шу ҳолни кўриш мумкин. Ардашернинг ёшлик даврларига доир парчалар, подшоҳ Ардувон унинг ҳаётига таҳдид қилиши, Ардувоннинг канизаги Ардашерни севиб қолиши ва Ардувоннинг ниятларидан Ардашерни огоҳ этиши, Ардашер билан канизакнинг бирга қочиб кетишлари жуда мароқли ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Севгилиси билан қочиб Истаҳр шаҳрига боргач, Ардашер кўп тарафдорлар орттиради ва Ардувонга қарши исён кўтаради, ғолиб чиқиб тахтни эгаллайди, Ардувонни эса ўлдиради. Ўлдирилган шоҳнинг тўрт ўғли бор эди. Улардан иккитаси ҳалок бўлади, иккитаси қочиб кетади. Ардувоннинг қизини эса Ардашер ўз никоҳига олади. Қизнинг қочиб юрган акалари, сингиллари билан хабарлашиб, уни Ардашерга заҳар беришга кўндирадилар. Бир куни Ардашер овдан келиб хотинидан шарбат сўрайди. Ардувоннинг қизи заҳар солинган шарбатни унга тутади. Ардашер қандайдир бир сабаб билан шарбатни дарров қўлига олмайди, бундан қўрққан хотини қўли қалтираб, шарбатнинг ярмини тўкиб юборади, шунда Ардашерда шубҳа пайдо бўлиб, шарбатнинг қолган ярмига нон тўғраб итга беради. Ит нонни еб шу заҳоти ўлади. Ҳамма гапни билиб олгандан сўнг Ардашер хотинни ўлдирмоқчи бўлади ва вазирга уни қатл этишни топширади. Вазир унинг Ардашердан ҳомиладор эканлигини билиб ўлдирмайди ва бола туғилгандан сўнг уни яширинча тарбия қилади. Кунлардан бирида вазир Ардашер ҳузурига кириб, уни бағоят қайғули бир ҳолатда кўради ва бунинг сабабини сўрайди. Подшоҳ дейдики, умрим ўтди, ўғлим йўқ, оламдан ўтадиган бўлсам тож-тахтни бегонага қолдиришим керак. Шунда вазир: "Ғам еманг шоҳим, сизнинг шундай ўғлингиз борки, ҳеч бир подшоҳда бундай ўғилнинг бўлгани маълум эмас", — деб Ардашерга сирни очади. Ўғли ҳозир ўн ёшда эканлигини, унга Шоҳпур деб от қўйганини маълум қилади. Ардашер хурсанд бўлиб вазирга кўп илтифотлар кўрсатади ва Шоҳпурни ўзига валиаҳд этиб тайинлайди.

Бир томондан, юқорида айтиб ўтилганидек, саргузашт асарларга, иккинчи томондан, халқ эртакларига ўхшаб кетувчи бундай лавҳаларни асарда кўплаб учратиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси "Тарихи мулуки Ажам"нинг катта қизиқиш билан ўқиладиган, жозибали асар бўлиб чиқишини таъминлаган.

Кодиржон ЭРГАШЕВ

НАВОИЙ ҒАЗАЛИҒА МУХАММАС

Кечди кўргулик бу бошдин турфа мароми била,
Гоҳи дониш аржуманд, гоҳ жоҳил авоми била,
Етмали Ёр васлиғаким, ориф пайғоми била,
Ваҳки, умрум барча зоеъ бўлди эл коми била,
Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.

Ул сўнги кунни кутиб тоат-ибодат фарқ эмас,
Топқонинг тўрт газ мато-ю, тутқонинг туфроқми, бас,
Бўл Скандар, шоҳ Баҳром ёки Жамшид пурҳавас,
Кимса юз йил комронлиқ қилса, билким, арзимас,
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоқлиқ биров коми била.

Ихтиёру эрки ҳур қанотли ҳар бир қушниким,
Ташна эрмиш то абад осмонға тушғоч ишқиким,
Қўшиғчин тўлдириб турғонда қумри ашкидин,
Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Шам туби парвонаға, чу, шамс йўлидан-да йироқ,
Муғба лаб очқанча пайт, булбулға минг йилча фироқ,
Эрса қафасда чаман, тиконға роз айдмиш, бироқ,
Юз дил ором айлагандин равза, ҳибси яхшироқ —
Бўлмоқ ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.

Пилла қурти маҳв этиб ўзни, кўрур озодлиғ,
Жонсарак ҳар неки бор, неъмат эрур озодлиғ,
Боғи беҳишт бокарам, сўнгсиз сурур озодлиғ,
Қушқа юнг масқан аро хушроқ дурур озодлиғ,
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.

Ҳаргиз эликмас бўри, ит бирла тузмас иттифоқ,
Солмағай сор назарин калжуржидан ортса томоқ,
Беҳбуд миннатли тўндан ўз чопонинг юз ямоқ,
Бўлмоқ итлар мунъими тан тўъма айлаб, яхшироқ —
Танни қилғунча самин нокаслар инъоми била.

Юрғонинг савлатпеша, ҳам олғонинг кибор қўлин,
Англа, камтар уламоға дахл эрур беҳад зулум,
Комил улки, кавлади сўзон ила Куббон кўлин,
Жоҳи маркаб бирла, эйким, бормадинг мақсад йўлин,
Қатъ ўлур бетўшалиғ зоди фано гоми била.

Элдин иста эътибор, ки, эл дуоси — давлатинг,
Юртнинг ҳар тошиға тексин зарра чеккан заҳматинг,
Ким десун Ҳолинг билиб, ол икки олам раҳматин,
Эй Навоий, ҳузн ила ўткар қорилиғ меҳнатин,
Чун йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН

АДЛ ЭШИГИ ВА ЗОЛИ ЗАР

Алишер Навоийнинг аёллар, жумладан, оналарга муносабати, энг аввало, умуминсоний ва исломий нуқтаи назарларга асосланган эди. Ана шу сабабларга кўра ҳам, мутафаккир шоир аёлларга ғамхўрлик, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни шоҳ ва давлатнинг бурчи деб ҳисоблайди. Бунинг ёрқин мисолларидан бири "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги "Шоҳ Ғозий" ҳикоятидир. Ушбу ҳикоятга бир қанча навоийшунослар тўхталиб ўтганлар (М.Шайхзода, Н.Маллаев, А.Қаюмов, И.Ҳаққулов...) Лекин ҳикоятга улар асосан зулм ва адолат, одиллик ва золимлик масалалари юзасидан баҳо берганлар. Биз эса унга бошқачароқ тарзда ёндашмоқчимиз. Матн мавзуи, назаримизда, ҳуқуқий соҳага ҳам алоқадор. Шу боис асосий фикр она даъвоси билан бошланиб фуқаро ҳақ-ҳуқуқи, шоҳ, қози, қўшин, раият ҳуқуқлари устида боради ва адолат улуғланади.

Қайд этиш жоизки, ҳикоятдаги воқеа, энг аввало, ҳаётийлиги, она қалби ҳар қандай жўръат ва шижоатга қодирлигига ишонтириш билан диққатни тортади. Зеро, Мақсуд Шайхзода ёзганидек, Навоий бу ҳикояти орқали "оддий халқдан чиққан жўръатли, ўз ҳаққини қўймайдиган дадил бир хотин"нинг ижобий образини яратиб ўқувчиларга ибрат ўлароқ тақдим этган.

Ҳикоят ўзига хос қурилишга эга. Уни шартли равишда уч қисм ва ҳотимага ажратиш мумкин. Асосий мақсад эса давлат ва диннинг амри — ўзининг аскарий вазифасини бажаришда ҳалоқ бўлган ўғил фожеаси ва бу ҳодиса туфайли юзага келган мусибатдийда она қалбидаги қасос туйғусини ифодалашдир. Гап шундаки, тасвир учун танланган воқеа ўтмишга эмас, айнан Навоий яшаган замонга тегишли: Ҳусайн Бойқаро тахтни қўлга олиш ниятида юз-икки юз одами билан гоҳ Хоразм, гоҳ Адоқ ерларида қазоқийликда эди. Ҳирот тахтини эгаллаш учун Абусаид Мирзо қўшинларига қарши жанглар олиб борарди. Вақт ўтиб, Ҳақ унга жаҳондорликни берди. Энди у давлат ва подшоҳлик қадрини билиб, илоҳий неъмат шукрини бажо келтириб, инсоф ва адолат эшикларини ҳожатмандлар юзига очиқ тутиб, "адл эшигин элга" кенг очади:

Тузди бузуғларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била.

Бидъат, фисқ-фасод халқ бошидан барҳам топади. Мамлакатда шариат қўлини кучли, қувватли қилди, яъни қонун устивор бўлди:

Бидъату фисқ аҳли бўлуб мунзавий,
Адли шариат қўлин этти қавий.

Ҳикоятнинг навбатдаги қисмида шоҳ ўз раиятининг тилагини эшитсин, уларнинг дардига даъво топсин, мазлум ва ҳақир кишиларга ёрдам берсин, деган фикр илгари сурилган. Адлу сиёсатидан қонеъ бўлган Ҳусайн Бойқаро сайр қилиб юраркан, бир кампир келиб (шоҳни ўзи сингари бир киши деб, на тахтидан, на тожидан, на қиличидан ва на аёнларидан қўрқади) унинг этагини маҳкам тутади. Журъат билан жангда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли учун "Эй шоҳи шариатпаноҳ, бугун инсоф ва адолатга риоя қилсанг, сен билан шариат йўли орқали даъволашаман. Шартим шуки, қаҳр-ғазаб айлама, саволларимга шариат маҳкамасида, қозихонада жавоб бер", дея талаб қўяди. Шунда шоҳ "Агар сен хун даъво қилсанг, талабинг ҳақиқатан ҳам шариат юзасидан бўлса, айбимга жоним билан иқрорман", — деди. Икки томонлама келишувдан сўнг улар шариат қозисининг ҳузурига бордилар:

Айладилар бўлди чу бу нукта жазм,
Қозийи ислом ҳузурига азм.

Қозихонадаги воқеа тафсилоти эса мана бундай: шоҳ ва кампир қози олдида бир-бирлари билан ёнма-ён ўтиришади (бу билан шоир қонун олдида барча баробар демоқчи). Атрофда эса одамлар. Кампир қозига мурожаат этиб: "Шоҳ тождор бўлмасдан олдин, қазоқликда юрганда, яккаю ёлғиз ўғлимни ўлдирган, у тиғи билан бағримни тилиб, жигарим қонини ерга оқизди", дейди.

Шоҳ қиличи жигарим қилди чок,
Ул жигарим порасин этти ҳалок.

Тиғ ила ёриб жигарим ёнини,
Ерга оқизди жигарим қонини.

Шунда қози ўз ҳукмига шубҳа бўлмаслиги учун икки нафар гувоҳ зарурлигини онага тушунтиради:

Айтти қози: "Кетур икки гувоҳ,
То қилайин ҳукмни беиштибоҳ".

Кампир:

Деди: "Гар икки тонуғ этсам ҳавас,
Ҳам анинг-ўқ адлию инсофи бас".

Онадаги журъат, жасорат, мардлик, донишмандлик, албатта, таҳсинга лойиқ эди. Демак, унингча, адл ва инсофдан ортиқ, булардан ишончлироқ гувоҳ йўқ! Бу "гувоҳ"лар эса, инсоннинг энг яширин кори ҳолидан ҳам огоҳдир. Шунинг учун ҳикоятни таҳлил қилган баъзи олимларнинг *қози сўраган гувоҳларни шахс сифатида кўрсатишлари тўғри эмас.* Чунки шоҳ билан юзма-юз келиб унга қарши гап айтиш ёхуд қарши бориш ҳаётдаги типик ҳодиса бўлмаслигини Навоий иноятқа ол ган бўлиши керак, албатта.

Хуллас, қози шариат ҳукмини дият (хун пули) ё қасос деб белгилайди:

Қози ўлуб адл ҳаримиға хос,
Қилди равон ҳукм: дият ё қасос.

Бу билан шоир адолатни қарор топтириш ҳолларида қозилар шоҳу гадони тенг кўрмоғи шарт ва мазлумнинг оҳидан чўчиш керак деган ғояни олға суради... (Ҳадис: "Мазлум кишининг дуойи бадидан ўзингизни сақланг".)

Шу тарзда, шоҳ айбига иқрор бўлиб, шариат — пайғамбар ҳукмига жонини фидо этишини айтади:

Шаҳ деди: "Шарь этса бу янглиғ адо,
Шарьи наби ҳукмиға жоним фидо"

Сўнг у рўмол билан бўйнини маҳкам боғлайди. Бир томонга олтин-кумушни қўяди ҳамда кампир қўлига қиличини беради. Бу билан шоҳ ўзининг она олдидаги масъулиятида раият олдидаги масъулиятини ҳам чуқур ҳис қилади:

"... Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр".

Кампир шоҳнинг адолат ва инсофига тан бериб, унинг қонидан, гуноҳидан кечади. Буни кўрган халқ унга "Золи зар" (тилла кампир) деб ном беради.

Албатта, бу сўзларни ўқиб, мулоҳаза юритган кўп ўқувчиларнинг кўнглидан "Бундай бўлиши қийин — ҳаёт ҳақиқати бошқача", деган фикр ўтиши мумкин. Аммо Навоий Ҳусайн Бойқаронинг шариат йўл-йўриқларига қатъиян риоя этувчи ҳукмдор сифатида таърифлаганда хаёл ва фантазиянинг миқёсини ортиқ даражада кенгайтириб юборгани йўқ. Шу маънода Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Ҳусайн Бойқаро тўғрисидаги "Баъзи муамолотта шарьни бисёр риоят қилур эди. Бир қатла бир ўғли бир кишини ўлтурғони учун қонликларига топшуруб" қозихонага — қози ихтиёрига юборди, деган маълумотини эслатиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Навоий "Хамса"ни ёзган даврларгача орадан кечган вақт мобайнида Ҳусайн Бойқаронинг "шарьни бисёр риоят" қилишига такрор-такрор ишонч ҳосил этган. Шу боис ҳикоят хотимасида шоҳнинг адолат ва инсофига, эҳсонига оёқ (қадаҳ) кўтарди, яъни икки томонлама адолатнинг қарор топишини кўтаринки тарзда шарафлайди:

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шаҳ чу қилур адл, Навоий, не ғам.

Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл.

Адл аёғин тутки, бўлуб шод ичай,
Одили давронни қилиб ёд ичай.

Ҳикоятнинг тили ва ифодаси хусусида гапирадиган бўлсак, ундаги ҳар бир сўз, хусусан, истиоравий ибораларнинг ҳуқуқий моҳиятни чуқур идрок қилишга хизмат эттирилгандир. Шунинг учун "адл эшиги", "шариат қўли", "Золи зар", "адл оёғи" сингари ўнлаб истиоралар мантиқан бир-бири билан мустаҳкам боғлиқлик топган.

Тиғни ул адл ила инсоф тунд,
Золи ҳазин тишларидек қилди кунд, — каби ташбеҳлар эса фикр таъсирчанлиги ва ҳаётийлигини таъминлаган. Ҳикоятдаги шариат, шариат қозиси, дият, қасос, шарьан каби ҳуқуқий атамалар матнга ҳаққонийлик, ростлик руҳини сингдирган ва шоир фикрини далиллайди.

Бизнингча, ҳикоят ўқувчида ҳуқуқ ва ҳақ-ҳуқуқ борасида фикр кўзғаши билан ҳам муҳим қимматга эга. Унда ёлғиз шахс, яъни она ҳақ-ҳуқуқи билан оддий фуқаро ҳуқуқлари моҳирона уйғунлаштирилган; қонун дахлсизлиги, қонун қучи шоҳ қудратидан ҳам устунлиги жуда яхши асосланган. Акс ҳолда, мамлакат ҳукмдори қозихонага бормас, қози ўз ҳукмида қатъийлик кўрсатмас ва шоҳ ҳам унинг ҳукмига бўйин эгмас эди. Зеро, фарзандидан жудо бўлган бир муштипар онанинг жўръати, талаби, ишончи ҳам қонун туфайли эди.

Робия РАЖАБОВА,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти докторанти

ҚОМУСИЙ НАВОИЙШУНОС

Улкан қомусий олим, араб, форс ва тожик тилларининг билимдони, нақшбандия тариқати тарғиботчиси, Ургутнинг Мерганча қишлоғида 1906 йили таваллуд топган шайх Қутбиддин Муҳиддинов халқимизнинг ардоқли фарзандидир. У бошланғич мактабда савод чиқаргандан сўнг, Ургут, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўша замоннинг илму адаб устозлари қўлида таълим олади. Шеъриятга меҳр қўйиб Низомий, Жомий, Навоий, Бедил асарларини қунт билан мутолаа этади. Бадиий адабиётни, Шарқ фалсафасини ўрганади.

Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевлар билан яқин алоқада бўлган шайхни буюк шоиримиз Ғафур Ғулом энг яқин дўст, пир деб билган. У кишини бутун Ўзбекистон, Тожикистон, Бошқирдистон ва бошқа мамлакатларда ҳам яхши билишган. Олим 1956 йили Тожикистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига ишга таклиф қилинади ва у ерда "Тожик тилининг изоҳли луғати"("Фарҳанги забони тожики")нинг муаллифларидан бири сифатида фаол иш олиб боради.

Қ.Муҳиддинов 1961 йили Тошкентга келиб ЎзФА Тил ва адабиёт институтида ишлай бошлади. 1961—68 йиллар орасида тарихий этимология бўлимида илмий ишлар олиб борди. Натижада олʼимнинг кўмаги билан XIV аср ёдгорликларидан Қутб Хоразмийнинг "Хусрав ва Ширин", Сайфи Саройининг "Гулистони бит-Туркий", Хўжандийнинг "Латофатнома" асарлари ҳозирги имлога кўчирилиб, нашр этилди.

Устоз узоқ йиллар давомида Алишер Навоий асарлари тилига бағишлаб ёзилган Мирзо Муҳаммад Маҳдихоннинг форсча "Санглоҳ" асари устида тадқиқот олиб бориб, уни ўзбек тилига таржима қилди. Олим "Санглоҳ"ни фонетик ва морфологик жиҳатдан тадқиқ этиб, 1971 йили номзодлик диссертацияси ёқлади. Бу иш ўзбек тилшунослиги тарихида муҳим янгилик бўлди.

Ёдгома

Қ.Муҳиддинов ўзбек луғатшунослигининг катта ютуғи — 4 жилдлик "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати"нинг асосий муаллифларидан биридир. Олим бир ўзи "Хамса" достонлари луғатларини тузиб, шарҳлаб чиқди. "Хазоин ул-маоний", "Лисон ут-тайр", "Мажолис ун-нафоис" асарлари луғатини тузиб, изоҳлади. Шайх ҳазратлари яна Навоий қаламига мансуб барча шеърий, насрий ва илмий асарлардаги форсий сўз-ибораларни шарҳлаб; юзлаб байтларнинг талқинини ёзди.

Қутбиддин Муҳиддинов ўзбек ва тожик тилларида гўзал шеърлар ёзган.

Катта олим ва сўфий Қутбиддинхон Муҳиддинхон ўғли кўплаб шогирдлар ҳам етиштирган. Профессор Ғайбулла ас-Салом (марҳум), профессорлар — Нажмиддин Комилов, Ботирхон Валихўжаев ва Султонмурод Олим шулар жумласидандир. У кишининг фарзанди — филология фанлари доктори Муслиҳиддин Муҳиддинов, набираси шоир Абдували Қутбиддинов илмий ва ижодий меҳнатлари билан ўзбек адабиётига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Шайх Қутбиддинхон ҳазратлари диншунос олим, нақшбандия тариқатининг фаол тарғиботчиси сифатида ислом оламида ҳам муносиб ўрин эгаллаган. У кишининг ахлоқ-одоб, диний йўналишда олиб борган ишлари ва ўгитлари биз — ёшларга маънавиятимизни, ўзлигимизни англашга катта ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Эшони шайх Қутбиддинхон ҳазратлари 1983 йил 18 декабрда вафот этди.

Қомусий олим шайх Қутбиддин Муҳиддиновнинг навоийшунослик илмимизнинг бугунги ривожидаги беминнат хизматлари унутилмайди.

Оллоберди САМАРИДДИНХОН ўғли,
Ургут туман "Иқбол" лицейи ўқитувчиси

Саҳифани Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

"НУРЛАР МАВҚЕИНИ ТАНИМОҚ..."

Китобингизни ўқидим

Биз "Очиқ деразалар", "Карвон қўнғироғи" китобларидан буён орзиқиб, интиқиб ўқийдиганимиз, чоп этилажак ҳар бир шеърий тўпламини ўқувчилар севинчу соғинчлар ила қарши оладиган устоз шоиримиз Омон Матжоннинг ижоди сершуъла, мунаввар шеър ва достонлардан иборатдир.

Бу шеърият — ўзига хос зиё йилномасидир. Шоир кўнглидан Хоразмнинг минг бир минораларига томон тортилган, ундан тариху тақдирларга узанган ва яна ҳазрат Навоийдан "Минг бир ёғду"лар олиб, "Қуш йўли"дан бугунги кунимизга қайтган, кўнгилларнинг олмос қирраларидан шуъла сочаётган бир нурафшон, бир дилафшон шеърият.

У пайтлар бировларимиз бешикда, бировларимиз Самарқанду Тошканда, Фарғонаю Урганчда талаба эдик. Бу сеҳрли ва тоза шеърият кўнгилларимиз томон ўз деразаларини нохос очиб юборди. Кўнгилларимизга бир зиё, мутлақо янги бир шеърий ҳаво уфуриб кирди.

Биз кейин бирин-кетин "Қуёш соати", "Ёнаётган дарахт", "Ярадор чақмоқ" сингари китоблардан баҳраманд бўлдик. Сўнгра "Ҳаққуш қичқириғи" билан "Сени яхши кўраман" китоблари чоп этилди. Ушбу тўпламларнинг ҳар бири шоир ҳаётида ҳам, шеъриятимизда ҳам ўз маърифий-маънавий ўрни билан яралган эди. Улар — шоир яшаган давру замонларнинг, Қалб ва Руҳнинг шеърий ҳужжатларидир.

"Дарахтлар ва гиёҳлар" китобини оралаб биз ундан кейин "Гаплашадиган вақтлар" отлиғ азим "чинор" тагига чиқиб келдик. Энди нафас ростласак ҳам бўлади деганимизда, воқеалар, маъноларга изтироблар, севинчу аламлар, хуллас, жамики инсоний сезгилардан тикланган бу чинорнинг салобатию залворидан ҳайратландик. Ҳаёту тириклигимизга, инсоний Бурчимизга оид хулосалару ибратларни шу чинордан ола кетдик. Сўнг эса "Ўртамизда биргина олма" қолди. Кейин "Иймон ёғдуси", "Эркин ҳаволарда" номли сайланма китоблар...

Биз бу шеъриятдан Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Мангубердини билдик, Огаҳий ва Феруздек улуғ зотлар ила дўст тутиндик."... саҳроларо ичинда инжу, Тангрим қумни элаб йиққан олтин" юрт, маънавият ва тамаддун оламига Шайх Нажмиддин Кубро, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий янглиғ улуғ сиймоларни берган сеҳрли диёрни танидик, англадик. Зотан, бу шеърият "уч минг йиллик соғинч"дан сўйлайдир. Уч минг йиллик кўнгилнинг шарҳу баёнидир бу.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган "Ардахива" китоби ҳам шу кўнгил, шу чексиз соғинчнинг бир бўлаги. Китобнинг "Ардахива" деб номланишининг ўзиёқ Омон аканинг ўз ижодий услуби, мақсад-маслагига содиқлигининг бир белгиси сифатида дарров ўқувчида қизиқиш уйғотади. Унда бир янги гап борлигини китобхон илғай бошлайди. "Ардахива" — драматик қисса, тарихимизнинг "Авесто" ёзила бошлаган даври, муаллифнинг ўзи таъкидлашича, "тарихимизнинг Исломгача бир неча минг йил бурунги даврида бўлиб ўтган воқеа" хусусида. Мазкур қисса — узоқ ўтмишимиз, тарихимизни билиш, ўрганиш йўлида шоиримизнинг ўзига хос бир ҳиссаси, гапи, меҳнати ва хизматидир. Бу шунчаки бир баён ёки тарихий воқеани сўйлаб бериш эмас, балки — тарих таҳлилидир, шоирнинг кўнгил таҳрири, мақсад ва маслаги, Бурч ва Масъулиятининг бир нидосидир. Қиссада донишманд Пирдаранхоснинг шундай сўзлари бор: **"Қорнингни кўнглингдан катталама". "Адлга йўл оч — осмон эшик очгай".**

Булар — ҳикматлар, ҳикматли гаплар. Уларнинг "елка"сида уч минг йиллик юк бор.

Фурсат оз!
Эрк бутлар ўз шажарасин,
Ҳарф титар кечмишлар алифбосидан.
Уч минг йиллик соғинч!
Гапир, бор бўлсанг
Бир парча, бугуннинг Авестосидан.

Бу шеърий парча китобдаги "Аёз қалъада" деган шеърдан олинган. "Анъана" ва "Ноанъана" дея бобларга бўлиб берилган шеърларнинг асли йўналиши бир, муаллифнинг мақсад-муддаоси ўша-ўша: инсонни комилликкда, нуру зиё ичра кўрмоқ. Унинг тийнатини Яратган буюрмиш фазлу камол, Бурч ва Вазифада деб билмоқ.

Аслида инсонга нур йиғмоқ учун,
Шуъла излаш учун берилган умр.

Илк китоблардан бери тинимсиз, узлуксиз келаётган, айтилаётган бу нур нима? Майса, гиёҳлар ҳам қуёшга интиладилар. Кўкламда кўкарган япроқларнинг ҳам ўз тарона, шукронаси бор. Одамзод шуларчалик ҳам бўлолмайдими? "Ахир ўт ҳам бекор ёнмас, ўз бурчи, ўз вазифаси бор".

Зотан, Нозил Ҳақдан бехабарлар кўп,
Кўпдир Бахтни кўрмай ўтиб кетганлар.
Кўпдир ўн икки бурж атойи нурни
Эрмак ялт-юлтларга зое этганлар.

Келмоқдан мурод не? Кетмоқдан мақсад не? Ҳаёт нимаю ўлим нима? Шеърлар мутолааси давомида бу мангу саволлар тинмай айланаверади. Шоирнинг ўй-кечинмалари, саволлари "Икки дарё оралиғи" билангина чегараланиб қолмайди, улар бори инсонларга, келиб-кетгувчи барча жонларга, инсониятга тааллуқли.

Демак, Одам ёруғ дунёга келар
Нурлар мавқеини танимоқ учун!

"Нурлар мавқеи" бу, айни пайтда шоирнинг ҳам мавқеидир. Шоир шу мавқедан туриб одамзоднинг ҳам мавқеини белгилаб беради. "Ҳой, ким, не одамсан?! Ичингга бир боқ — Қалбму у ё совиб ётган астодон?!"

Китобдаги "Кубро эътирофи", "Топилдиқ қушлар", "Чоржўй—Кўнғирот темирйўли...", "Белгиларим", "Аросат", "Садоқат", "Замон саҳнасида" сингари шеърларнинг залворидан ҳам айни шу нур сирқираб туради. Бу бир замону маконлар оша "Азми юксак зотлар асли хор ўлмас" дебон келаётгандек, таъкидлаётгандек...

Бунда Зардўшт ўт ёқди алвон,
Келди-кетди Буддаю шомон.
Мангу нола қилар Отажон
Икки дарё оралиғида.

...Бугун Хоразмда ҳам йўллар қурилмоқда, боғлар кўкармоқда. Янги авлод — насллар озод Ўзбекистонимиз билан бўй ўлчашиб, кўрк талашиб улғаймоқда, камол топмоқда. Жалолиддин Мангубердининг озод қад ростлаган келбати кўҳна тариху давронларга янги ҳур замонлардан муждалар йўллаётгандек. Шу элнинг камтар фарзанди, Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг янги китоби айни кунларда қўлма-қўл бўлиб ўқилаётгани ҳам шу элнинг уйғоқлигидан дарак.

Элда Комилжоннинг ашуласи бор,
Огаҳий, Феруз нинг сўз шуъласи бор.
Бугун Хоразмнинг неси бор дема,
Омон Матжон каби ёшуллиси бор.

Сирожиддин САЙИД



Янгибой ҚЎЧҚОРОВ

ДАРЁ

У ҳар баҳор қирғоғига
Майсадан тўн ёпади.
Она замин ва кўкдаги
Булут учун оқади.

У адирда қизғалдоққа
Шудринг — сирға тақади.
Чўлда оху, тоғда эса
Бургут учун оқади.

У буғдойга бошоқ бўлиб
Барчамизни боқади.
Неча аср кўрган чинор,
Тол, тут учун оқади.

Ва бу оддий қиёс сизга
Энг муносиб баҳодир:
— Дарё ўзи учун эмас,
Эл-юрт учун оқади!

ҲУРМАТ

Отажон Худойшукуров хотирасига

...Чеккага чиқарди Отажон ҳофиз,
Уймас эди у ҳеч қовоғини.
Сездиргиси келмас эди айрим пуч
Тўралардан кўрган кибр доғини.
У қанчалар улуғ бўлса шунчалар
Камтарликни шиор айлаган эди.
Не ҳолки, элликка кирганида у
Кимдир эҳтиромин аяган эди.
Чеккага чиқардик ҳофиз иккимиз
Создан кейин сўзга навбат етган пайт,
Секин Навоийдан ўқирди ғазал,
Паҳлавон Маҳмуддан айтар эди байт.
Умр ўткинчидир. Оғам жисман йўқ,
Аммо қўшиқлари серавж, расида.
Қадимий мақомни куйлаб турагандек
Гўё ҳофиз ҳамон халқ орасида.

Доимий ҳамроҳ

Публицист Янгибой Қўчқоровнинг "Оролбўйи азаматлари" китобида Оролбўйи минтақасининг оғир экологик шароитида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган бугунги кун қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилинади. Айни чоғда китобда кейинги 40-50 йил мобайнида Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларида ўзини кўрсатган бир қанча ташкилотчи раҳбарлар ҳаёти ҳам қаламга олинган.

Масалан, "Элликқалъа" хўжалигининг раиси Халилла Қўшназаровнинг сув танқислиги шароитида ҳам кўпгина жойларни ободонлаштириб, янги боғлар барпо этгани ҳақида мароқ билан сўз юритилади.

Китоб кўп нусхада чоп этилган, Ф. Орипова муҳаррирлик қилган.

Дилдора ЗУВАЙТОВА

Тилак ЖЎРА

БИР АЖИБ ДАРЁ ЭРУРСАН...



Унинг назмида шу табаррук тупроқ хосияти, устод алломалар ҳикматлари жамулжам бўлди.

Ниҳоятда билимдон, зукко, мумтоз шеъриятдан, замонавий турк шеъриятидан, айниқса, сўфийлик тариқатидан яхши хабардор шоир, олим эди у. Камсуқум, табассуми самимий, дўстларига меҳрибон, хокисор, оз нарсага қаноат қилувчи, нолиш не эканлигини билмайдиган некбин ва дилкаш одам эди Тилак Жўра...

Таассуфки, шоирнинг умри қисқа бўлди. Аммо у шеърияти билан, илмий тадқиқотлари билан бизга ҳамнафасдир. Уни севганлар, яхши таниганлар кўнглида барҳаётдир.

* * *

Тўлқинлар
Соҳилга бош уриб
Кўнглини бўшатар

Мен
На бош уролдим,
На оёқ
Руҳимнинг соҳилларига...

* * *

Титраган туманми, менманми,
Шамоллар айланиб айланар.
Инграган гумонми, менманми,
Хўпиқар елкамда майсалар.

Оҳ урсам, оҳларим учарлар,
Учарлар... дардимдан кечарлар.
Бошимни эгсам ҳам тиғингга
Тиғларинг куйманиб қочарлар.

Мен қайга қочайин, қалдирғоч,
Мунғайган мусибат остидан.
Мен қайга қочайин, қалдирғоч?
Мунғайган муҳаббат дастидан.
1987

ЁЛҒИЗЛИК ЁМҒИРЛАРИ

Ёлғизлик елкамни босиб боради
Мен қайга бораман
Қафасдан чиқиб...

***

Ёлғизлик ёмғирдай эзади.
Саҳродай тўзғиган кўнглимни.

***

Ёлғизликдан эзилган куним.
Чумоли чақади тизимни.
1989

***

Бир ажиб, дарё эрурсан, куйманиб оққангина,
Бир ажиб, дунё эрурсан, ўртаниб боққангина,
Кўнглим, бу икки манзил аро чарх уриб ошуфтадир,
Ошуфта кўнглим куйдириб, руҳимни ёққангина.
1990

Ориф ЖЎРАЕВ нашрга тайёрлади.

ДЎСТИМИЗ ХОТИРАСИ

Иқтидорли шоир ва адиб, "Гулхан" журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Болалар адабиёти кенгаши раиси Сафар Барноев 63 ёшида вафот этди. Бешафқат ўлим ҳозирги ўзбек болалар адабиётининг йирик намояндаси, ажойиб инсон ва садоқатли дўстни орамиздан олиб кетди.

Сафар Барноев доимо кулиб турувчи очиқ чеҳраси, каттаю кичикка бирдай хушмуомала, дилкаш суҳбатлари, дангалчилиги ва яна бошқа кўплаб инсоний фазилатлари билан барчанинг кўнглига яқин, ҳурматига сазовор эди. У Бухоро шаҳрида туғилиб ўсди, 1966 йилда ТошДУнинг журналистика факултетини битириб, республика болалар газетаси ва нашриётларида, Ёзувчилар уюшмасида самарали меҳнат қилди. Умрининг сўнгги йилларида "Гулхан" журналига раҳбарлик қилиб, уни ёшларимизни миллий истиқлол руҳида тарбияловчи нашрга айлантиришга бош бўлди.

Сафар Барноев ўзбек болалар адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг илк шеърий тўплами — "Тоғлардаман" 1970 йили чоп этилган эди. У баракали ижодий фаолияти мобайнида "Дадамнинг қўллари", "Соғинч", "Солдат қайтган кун", "Ой лайлаклар" каби ўндан ортиқ шеърий ва насрий китобларни ўқувчиларга тақдим этди. Уларнинг кўпчилиги рус, тожик, қирғиз, инглиз ва бошқа тилларга таржима этилган эди.

Бутун умрини болалар адабиётига бағишлаган ижодкор мустақиллик йилларида янада самарали ижод қилди. Ўнлаб ёш истеъдод эгаларига устозлик қилди, истиқлол ғояларини тарғиб қилишда мамлакатимизнинг фидойи, жонкуяр адибларидан бирига айланди.

Сафар Барноевнинг фидокорона меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган, у "Шуҳрат" медали, "Офарин" мукофотларига сазовор бўлган эди.

Сафар Барноев ўзбек адабиётининг етук вакилларидан бири, чин инсон ва олижаноб дўст сифатида қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир гуруҳ дўстлари

ҲАВАС ҚИЛГУЛИК ЙИГИТ

Мен унга ҳавас қиламан.

... Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида аканг қарағай туппатузук, келажаги порлоқ лавозимдан воз кечиб, Самарқандда бекорхўжа бўлиб юрибман. Вилоят газетасига, раҳматлик Суръат Ориповнинг ёнига бориб тураман. Ишга талабгор кўп, ҳаммаси ўзига ишонган йигитлар. Шуларнинг орасида мен — "тошкентлик" олифта ҳам борман.

Вилоят газетасининг муҳаррири мени эмас, бошқа икки кишини ишга олди. Нусрат Раҳматов билан Абулфайз Баротовни.

Бироз ғашим келиши керакмиди? Лекин келмаган. Иккаласиям ниҳоятда яхши йигитлар эди, газетада ҳам яхши ишлаб кетишди.

Нусрат Раҳмат билан ўшанда танишганман. Ўшанда ҳавас қилган эдим, ҳозиргача ҳавас қиламан.

Нега?

Аввало, Нусрат Раҳмат билан мулоқот қилган киши уни яхши кўриб қолмаслиги мумкин эмас. Чунки чеҳрасидан самимият уфуриб туради. Бу — ҳаммага ҳам насиб қилмаган фазилат.

Ҳар бир ёзувчи, журналист йўналишни бошида тўғри олиши жуда муҳим. (Адашиб юрганларнинг қанчасини биласиз-ку!) Нусрат Раҳмат шундай қила олганлардан.

Шунисига ҳавас қиламан.

Нусрат Раҳмат тақдир тақозоси билан бир неча йил Тошкентда хизмат қилди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"да раҳматлик Асқад Мухтордек алломадан кўп нарса ўрганди. Одатда узоқ йиллар вилоятда ишлаган кишининг бирдан пойтахтга келиб, бу ердаги муҳитга мослашиши қийин кечади. Нусрат Раҳматда бу муаммо умуман пайдо бўлмади. Чунки олисда юргани билан тафаккур тарзию қаламининг қуввати "пойтахтлик"лардан кам эмасди.

Нусратилла кулишни яхши кўради. Яхши, қаттиқ кулади, кулгисини бошқаларга юқтира олади ҳам. Уйига борганимизда даҳлизнинг ўзида ичагача тириб қоламиз: ҳазил-мутоиба, қаҳқаҳа. Рафиқаси Рухсора хоним зўрға ичкарига олади. "Нусрат Раҳматда юмор йўқ" дейдиганлар кўрсин эди бу манзарани!

Орада унинг қошиқ коллекцияси томоша қиламиз. Нусрат Раҳматнинг қошиқ коллекциясини кўрмабсиз, дунёга келмабсиз! Ишонасизми, йўқми, турли даврларга оид, турли халқларга мансуб жуда кўп қошиқ йиққан. Икки юзлардан ошиғ-ов! Бири биридан антиқа бу қошиқларни томоша қилишнинг ўзи улкан завқдан ташқари бироз... билим ҳам беради. Ажабланманг, ўзингизга номаълум бўлган нималарнидир билиб оласиз-да. Иш, ижод, оила ташвишларидан фурсат топиб, бу хазинани (ҳазил эмас!) йиғиш учун қандай одам бўлиш керак? Ниҳоятда ҳаётга ўч, завқи, ҳа-ҳа, айнан завқи жуда баланд бўлиши керак одамнинг!

Уни кулишни яхши кўради, кулдиради, деганимга, қизиқчи экан, деб ўйламанг. Табиатан қизиқчи эмас. Лекин дўстларни кўрганда шундай очилиб кетадики, ҳайратга тушмай иложингиз йўқ. Ниҳоятда беғубор, ниҳоятда покдил, ниҳоятда завқи баланд инсонгина шундай қила олади.

Шунисига ҳавас қиламан.

Нусрат Раҳмат Қишлоқ хўжалик институтини тугатган. Шунинг учун деҳқончиликдан ҳам, чорвачиликдан ҳам, паррандачиликдан ҳам, бошқа "чилик"лардан бир мутахассис сифатида хабардор. Унинг теша тегмаган мавзулари ана шундан. Пахтами, чорвами, асаларими (ўқиганмисиз?) нимани ёзмасин, билиб ёзади, қотириб ёзади.

Шунисига ҳавас қиламан.

Нусрат Раҳмат анчагина китоб ёзди. Уларнинг биронтаси китоб дўконларида кўринмайди. Ёзувчининг асл баҳоси шу.

Аммо кейин бошлаган "Буни ҳаёт дебдилар" туркум романи ҳаммасидан ўтиб тушди. Харидоргир бўлгани учун қайта-қайта нашр қилиниб турибди. Ҳозир замон шу — ўқилган китоб нашр қилинаверади.

Тиниб-тинчимагур Нусрат Раҳмат Мустақиллик йилларида тарих билан ҳам қизиқа бошлади. Она Самарқанд тарихи — битмас-туганмас хазина. Не зотлар ўтмаган у ерда! Нусрат Раҳмат Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятининг Самарқандга оид қисмини ўрганиш, таҳлил, тарғиб қилишда ҳам жонбозлик кўрсатди.

Тиниб-тинчимаган Нусратилла орада рафиқаси Рухсора хоним билан бешта бири биридан солиҳ, бири биридан гўзал фарзанд ўстирди. Улуғбек билан Мирза ота изидан бориб, Қишлоқ хўжалиги институтини тугатган. Улуғбек аллақандай уруғлар билан шуғулланади, Мирза асалари боқади. Феруз ҳали талаба. Моҳинбону билан Дилафрўз ширин-ширин фарзандларни катта қилишяпти.

Ана шу ҳамма ҳавас қилгулик йигит ОЛТМИШни ҳам уриб қўйибди. Бунга қачон улгурди экан?!

Олтмиш ёш — табаррук ёш, ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Дўстим Нусратилла!

Бу табаррук ёшга қуруқ қўл билан кириб келмадингиз. Айтганимдай, меҳнат, китоблар, фарзандлар, юз минглаб китобхонлар... Бир инсон, бир ёзувчи учун яна нима керак? Бунинг учун алоҳида эҳтиромимни қабул қилгайсиз. Ҳавасимни ҳам.

Юртимиз тинч. Самарқанд муқаддас шаҳар, оилангиз мислсиз даражада гўзал, ўзингиз ҳали тўтиз яшар йигитдай тетиксиз — демак, Худо хоҳласа, янги асрда ҳам ҳали кўп ишлар қиласиз-да, сезиб-сезмай етмишу саксон, тўқсону юзни уриб кўяверасиз. Омин!

Бағримга босиб, тилаганим шу.
Сизга ҳавас қиламан.
Дўстингиз, мухлисингиз

Машраб БОБОЕВ

АЙРИЛИҚ

Сафар ака-эй!

У — бир кўнгли пок инсон эди. Худо ҳаққи, бирон кишига бу одамнинг юрагида зиғирча ғайирлиги йўқ эди. Ҳаммамиз билан фахрланарди. Ҳаммамизнинг қилаётган ишларимиз учун суюнарди.

Эгнини бировга ечиб берадиган одам, деган гап учрайди. Сафар ака шунақа, қизғанишни билмасди.

У билан бизнинг болалигимиз бир пайтда ўтган. Устод Тошпўлат Ҳамид тўғарагида бирга қатнашганмиз. Шогирдлардан ҳеч ким Сафар Барноча Тошпўлат аканинг ҳурматини ўрнига қўйганича йўқ. Шогирдлик эҳтиромини Сафар ака бизга доимо эслатиб турарди!

1958 йилда биринчи машқим матбуотда эълон қилинганида Сафар ака иккимиз мактаб ўқувчилари эдик. Эсимда, чойхонада бир чойнак чой олиб, Сафар ака менинг муваффақиятимни нишонлаган!

Қуддус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикматлардан тортиб раҳматли Ҳамза Имомбердиевгача болалар адабиётининг кўпгина Сафар Барно эди! Ҳаким Назирдан, Толиб Йўлдошдан сўранг, сўнгги 30 йилча давр болалар адабиёти тараққиёти учун куюниб хизмат қилган ИНСОН ким эди?! Сафар Барно эмасми?!

Ижодкор муаллимлар, деган гап сўнгги йилларда анча расмга кирди. Муаллимларга меҳр кўргузиб, улар ёзган яхши-ёмон шеърҳикояларни тартибга келтирган, булардан китоб тузган Инсон ҳам бизнинг Сафар ака эди!

Сизнинг ижодингиз узоқ йилларга қолади. Шубҳасиз!

Худо охиратингизни обод қилсин, азизим...

Омон МУХТОР

Журналларни вараклагандa...

Ҳаёт билан бақамти, одамларнинг онгу тафаккури, диди, савияси ўзгариб бораётир. Мана шу жараён ичида севимли журналимиз "Шарқ юлдузи"нинг ҳам сурати ва ҳам сийрати ўзгаришга юз бурганини кўриб қувондик. Журнал муқовасининг замонавийлашгани — "фалон сон" ўрнига "Биринчи фасл", мухтасар мундарижа-мазмун баёни, нашр номининг янгича шаклдаги ёзуви, ҳарқалай, дид билан, яхши ўйлаб қилинган иш бўлган. Рукнлар ҳам янгиланган: "Асарлар, асарлар...", "Шоиру шеъру шуур", "Келажак сизники" (ёшлар минбари). Бу амаллар фақат журнал шакли, безагига алоқадор эмас. Мазмунан "Шарқ юлдузи" соф адабий-ижтимоий журнал қиёфасини олган. Бу яна нималарда кўринади?

Биринчи фаслда иккита роман тўлиқ берилган, давоми келгуси сонда, деган гап йўқ. Бу, албатта, асарни яхлит ўқиб, ўқувчининг муайян хулосага келиши учун қулай. Негаки, ҳозиргидай тезкор замонда, роман давомини икки-уч ойлаб кутиш ўқувчининг ҳафсаласини пир қилиб қўйиши тайин.

Дарвоқе, романлардан бири таниқли адибимиз Омон Мухтор қаламига мансуб. Ёзувчи янги асарини улуғ шоиримиз Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаган. Роман ҳақида ҳали адабий жамоатчилик ўз фикрини айтар. Биз академик Матёқуб Қўшжоновнинг "Ишқ аҳли" романи тўғрисида"ги сўзидан бир парча келтириш билан кифояланамиз: "Омон Мухторнинг мазкур тажрибаси шуни кўрсатяптики, унинг асарида бу икки қирра — тарихийлик ва бадиият мустаҳкам равишда бирлашган. Икки томон — бир, яхлит. Бу хилдаги асарни соф илмий йўналишда яратиш қийин. Уни илмдан бохабар, бадииятда етарли тажриба орттирган ёзувчигина амалга ошира оларди".

Журналда эълон қилинган иккинчи роман ёш ёзувчи Адҳам Даминга тегишли. "Ҳаёт ва ўлим" деб номланган бу асар яқин ўтмишда кечган воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Шоирлар Хосият Бобомуродованинг "Кўзларимга чизиб қўйганман сени" ва Мадамин Қўчқорнинг "Оппоқ тонг шуъларин кўксимдан тўкар умид" сарлавҳали янги туркум шеърларини, Олимжон Холдорнинг "Ой тутилган кечалар" шеърий драмасини журналнинг мазкур биринчи фаслида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг машқлари, уларнинг ҳар бирига билдирилган мухтасар тилаклар ҳам сизда яхши таассурот қолдиришига аминмиз. Айни пайтда машҳур озарбойжонлик шоир Рамиз Равшаннинг "Сут тишининг оғриғи" достони (К.Бахриев таржимасида) журнал мундарижасини бойитган.

Профессор Қ.Йўлдошевнинг мустақилликка эришилгандан кейинги давр ўзбек адабиётида қўлга киритилган ютуқлар ҳақидаги "Дастлабки довон белгилари" ва тадқиқотчи Н.Оллоҳёрованинг Сўфи Оллоҳёр шеърий санъатларига бағишланган мақолалари бугунги адабий жараён ҳамда мумтоз шеъриятимиз муаммолари ҳақида.

"Шарқ юлдузи"нинг 70 йиллигига бағишланган анкета саволларига атоқли адибларимиз Ҳамид Ғулом ва Миртемир ҳўсиф берган жавоблар халқимиз севиб ўқийдиган бу журналнинг босиб ўтган шонли йўлига бир қур назар ташлашга ундайди. Ва ниҳоят "Гулқайчи"да берилган Оллоёрнинг "Айиқ ови" ҳажвияси, Абдураззоқ Обрўйнинг пародиялари, адабий бошқотирмалар ҳамда "Замондош" бурчаги" мириқиб дам олишингизни таъминлаши тайин.

Хуллас, ўзгараётган оламда ўзига хос турланиб, ўзгаришу янгиланишга юз буриб, ўзининг шаклу шамойилини учқур замон талабларига мослаб бораётган севимли журналимиз бу гал ҳам ўқувчиларга бир олам севинч бағишлашга ҳозирлик кўрган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Исмат Санаевга турмуш ўртоғи **ҲАБИБАХОН** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош **АЛИЕВ ЭЙНУЛЛА Дадаш ўғлининг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси, "Ижод дунёси" нашриёт уйи ва "Гулхан" журнали таҳририяти "Гулхан" журналининг бош муҳаррири **Сафар БАРНОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин биродарларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

19—20 май кунлари соат 19.00да
Алишер Навоий номидаги Санъат саройида

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Ҳожибой ТОЖИБОЕВнинг

"ҚАЙНОНАЛАР ХАНДАСИ ёхуд ғойхонадан ғиққан ҳангома"

деб номланган янги дастурдаги кулги кечаси бўлади. Дастурда таниқли эстрада юлдузлари ҳам иштирок этадилар.

Чипталар "Санъат саройи" ва "Халқлар дўстлиги" саройи кассаларида сотилмоқда.
Жамоа бўлиб кириш учун буюртмалар қабул қилинади.



Газетанинг навбатдаги сони 1 июнда чиқади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-58-49 *Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
Санъат бўлими: 136-56-48 *Наср ва назм бўлими: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2009. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.